

ШАВКАТ ТЎРАЕВ



**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК  
ЖАМИЯТ РИВОЖИДА  
ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ  
ОМИЛЛАР УЙҒУНЛИГИ**



ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2011

УДК: 32(575.1)+330.3(575.1)

ББК: 66.3(5Ў) - *Ички аёсат*  
Т 97

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори, профессор Б. ТҰЙЧИЕВ,  
сиёсий фанлар доктори В. ҚҰЧҚОРОВ

66.3(2Ў)  
Т 97

10-39292  
281

Ko'makchi fond

ISBN 978-9943-01-679-8

2012/18	Alisher Navoiy nomidagi
2240	O'zbekiston MK

© «O'zbekiston» HMIYU, 2011

## КИРИШ

*Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб, ўсиб-улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.*

*Ислом КАРИМОВ*

Бу оламда кечаётган воқеа ва ҳодисалар инсоннинг ақлий имкониятлари, ҳаётий позицияси ва тажрибасини яна бир бор синовдан ўтказмоқда. Кечагина мутлақ деб қабул қилинган тушунчаларнинг бугун нисбий эканлиги маълум бўлмоқда. Ёки, йиллар мобайнида аксиома тарзида тушунилган ҳақиқатлар ҳозирги кунда ҳаёлий ғоя бўлиб қолмоқда. Иқтисодий ва маънавий омилларнинг ўзаро уйғунлиги масаласи ҳам худди шундай долзарб муаммолардан бирига айланди.

Бундан йигирма йил муқаддам Президент Ислом Каримов иқтисодий ва маънавий омиллар уйғун бўлиши масаласига диққатини қаратганди. XX асрнинг 90-йилларида Юртбошимиз бу масалани чуқур англаб, унга жамоатчилик эътиборини тортганди. «Бозор иқтисодиёти деб, инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ».<sup>1</sup> Бу ўткир ҳақиқатни ўша вақтда кўпчилик етарли даражада идрок қилиб ололмаганди. Ваҳоланки, Юртбошимиз бу билан шундай фикрларни ифодалаган эди: *биринчидан*, иқтисодий ва маънавий омиллар ўзаро уйғун бўлади; *иккинчидан*, иқтисодий ёки маънавий омилнинг бирортаси оқсаса, албатта инсон ва жамият таназзулга юз тутади; *учинчидан*, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида бу уйғунлик долзарб аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. — Т.: «Ўзбекистон», 1992. 23-6.

Мисолларга мурожаат этайлик. **Биринчи мисол.** XX асрда собиқ Шўро жамиятида одамларнинг кундалик озиқ-овқат истеъмолини қондиришга алоҳида эътибор қаратилди. Одамларнинг маънавий, руҳий дунёси эса ишлаб чиқилган қолиплар воситасида бошқарилди. Натижада қорни тўйиб қолгач, одамлар қолган нонни молларга бера бошлади. Жамиятнинг фикру зикри истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан банд бўлиб қолди. Оқибати нима бўлди? Аввало, одамлар маънавий тубанликка учради, кейин жамият ичдан чирий бошлади. Пировардида қонхўрга айланган тузум ўз-ўзидан қулади. Бирор кимса етмиш йил давомида урқо-ур билан қилинган меҳнатга ачинмади. Нега? Чунки фақат ейиш-ичишга асосланган жамиятнинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолганди. **Иккинчи мисол.** Яна XX асрнинг ўзида курранинг у томонида ҳам қизиқ воқеа рўй бераётган эди. Фарб оламида «аввал бой бўл, кейин миянгни тўлдирасан» принципи амалга оширилаётганди. Одамлар бойлик орттириш учун ҳеч нарсадан тап тортмасди. Инсон маънавияти эса чўлдаги сароб ҳолига тушганди. Оқибати нима бўлди? Фарб жамиятида наслсизлик, шаҳвоният, кексайиб қолган ота-онани «қариялар уйи»га топшириш, никоҳсиз яшаш удум тусини олди. Натижада Фарб жамияти маънавий инқирозга учради ва бу ҳамон давом этмоқда. **Учинчи мисол.** Ўзбекистон мустақилликка эришгач Президент Ислом Каримов томонидан иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги сиёсати қатъий юритила бошлади. XX асрнинг 90-йиллари бошида бу кўпчилиликни ажаблантирди. Пана-пастқам жойлардан баъзилар «иқтисодиётни аввал тиклаб олиш керак», дея гап сота бошлашди. Бундайларга қараб Юртбошимиз шундай дея қатъий сўзларди: «Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. — Т.: «Ўзбекистон», 1992. 23-б.

Шу сиёсат шарофати билан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қуйидаги муваффақиятларга эришилди: *биринчидан*, жамиятда иқтисодий ва маънавий омилни уйғун қабул қилиш иммунитетини шаклланди; *иккинчидан*, иқтисодий ва маънавий уйғунликдаги мустаҳкам база яратилди; *учинчидан*, инсон ва жамият ҳаётида иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги зарурат эканлиги миллий тажрибадан ўтди.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, иқтисодий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги диалектик заруратдир. Шу маънода қуйидаги икки жиҳатга диққат қилиш лозим:

**1. Иқтисодий омил устувор бўлиб, маънавий омил иккинчи даражада бўлса:**

- инсоннинг маънавий-руҳий дунёси қашшоқлашади;
- жамиятда ижтимоий муҳит мувозанати бузилади;
- давлатнинг бюрократик роли ошади;
- халқ онгида бир ёқлама фикрлар, қарашлар ва тушунчалар шаклланади;
- истиқболли ривожланиш шубҳа остида қолади ва ҳ.к.

**2. Маънавий омил устувор бўлиб, иқтисодий омил иккинчи даражада бўлса:**

- инсоннинг турмуш фаровонлиги кутилган даражада бўлмайди;
- жамиятда иқтисодий-моддий манфаатдорлик сусаяди;
- давлатнинг қудратига бўлган ишонч йўқолади;
- халқнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва орзуси бир ёқлама тус олади;
- тадбиркорлик, ташаббускорлик ва оптимистик руҳ йўқолиб боради ва ҳ.к.

Маълум бўладики, иқтисодий ва маънавий омиллар диалектик бирликка эгадир. Бу масала инсоният тарихида, айниқса Шарқда қадимдаёқ жуда нозик

идрок қилинган. Мисол учун, мазкур масалалар соҳибқирон Амир Темур томонидан уйғун идрок этилиб, усталик билан амалиётга татбиқ этилган. Соҳибқирон кези билан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий омилдан ўринли фойдаланган. Бир ўринда истилочи мўғул амирларига қўлаган тадбири ҳақида дейди: «... бу очкўз амирларни молу дунё билан маҳлиё қилиб, Мовароуннаҳрни қатлу горатдан қутқариб қолишга қарор қилдим... уларнинг кўнгиллари кўзларига ўхшаб тор бўлганлигидан, совға-соврин йўсинида уларга берилган ҳар турли тансиқ моллар ҳам кўзларига кўп кўринди. Мовароуннаҳрни қайта босиб олиш ва талон-тарож қилиш ниятидан қайтдилар».<sup>1</sup> Диққат қилинса, иқтисодий омилни устувор билиш истилочиларни очкўзлик, тор кўнгиллик, тубанлик каби маънавий иллатларга дучор қилган. Соҳибқирон буни яхши англаб, уларни енгишнинг осон ва шармандали усулини танлаган.

Шундай қилиб ҳаёт, воқеа ва ҳодисалар иқтисодий ва маънавий омилнинг ўзаро уйғун характеридан сабоқ беради. Буни ҳар бир киши чуқур англаб етмоғи ниҳоятда зарур. Зеро, Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, «Ушбу масалага чуқурроқ ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кўҳна дунё биз яшаётган ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқлама қараш ифодаси, деб айтсак хато бўлмайди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Амир Темур тузуклари. — Т.: 1996. 28-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият». 2008. 6-б.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МОДЕЛИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бундай натижаларга эришишимизнинг асосий сабаби, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганидек, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, «Ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олганлигидадир.

Ўзбекистонда демократик жамият шаклланиши жараёнида, истиқболда унинг қандай йўлдан бориши масаласи кун тартибида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса қуйидаги икки жиҳатга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ эканини кўрсатади. Улардан энг муҳими объектив сабаблардир, яъни: а) жаҳонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишнинг барча давлатларга мос ва хос бўлган яқкаю ягона андозасининг инсоният тарихида мавжуд бўлмагани ва истиқболда бўла олмаслиги; б) маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар, яқка мафқуранинг истибдоди руҳида тайёрланган «Мутлақ ҳақиқатлар» мажмуидан иборат қоидалар мамлакатимизда шаклланаётган ижтимоий муносабатлар, бозор муносабатларининг ижтимоий бошқариладиган шаклининг қарор топиши, демократик жамият, ҳуқуқий давлат манфаатларига мос келмаслигидир.

Ижтимоий воқеликда кечаётган объектив жараёнларнинг негизида демократик ислоҳотлар ётади. Бу жараён эса узоқ давом этадиган ва зиддиятли бўлади. Демак, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш маъ-

лум бир муддатни талаб қилади. Мустақилликнинг қўлга киритилиши эса, мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг зарур объектив шарт-шароитини юзага келтирган бош омил бўлди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган маърузасида мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг зарур объектив шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда, яратилган тараққиётнинг «ўзбек модели» ҳақида гапириб шундай дейди: «Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик:

Биринчидан, биз иқтисоднинг сиёсатдан устуворлигини, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи бўлишини эълон қилдик.

Иккинчидан, биз ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгартиришларнинг изчил ташаббускори бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бу қонунчиликни, ҳуқуқнинг устуворлигини таъминлашдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг, айниқса, кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда муҳим.

Ва ниҳоят, бешинчидан, бизнинг шароитимизда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширилиши керак. Доно халқимиз айтганидек: «Янги уй қурмай туриб эскисини бузма»<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ушбу моделнинг маъно-мазму-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. 2-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1994, 50—51-б.



ни — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий мафқурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вази фасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш таъминлари асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Мазкур жараёнда инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш алоҳида аҳамият касб этди. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси, аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгилашни жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгилашларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак**, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас»<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик таъмин ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Мустабид тузумнинг тазйиқ

<sup>1</sup> Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. / Туркистон. — Тошкент, 2010, 13 ноябрь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008, 105-б.

ва зўравонлигидан жаҳон андозаларига мос келадиган ҳуқуқий меъёрлар сари кескин бурилиш ясалди. Маълумки, БМТ томонидан инсон ҳуқуқларига тааллуқли 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош Ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд. Мамлакатимиз қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мазкур меъёр ва андозаларга мувофиқлаштириш, бу соҳада миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, улар бўйича мажбуриятларни бажариш механизмлари яратилди.

Ортга назар ташлаб, босиб ўтилган йўллارни, эришилган ютуқларни сарҳисоб этар эканмиз, **халқимиз ўзининг шижоати ва жасорати, қаҳрамонона меҳнати билан тарихан қисқа даврда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг, кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратишга эришганига яна бир бор амин бўламиз.**

Тараққиётнинг «ўзбек модели»га таянган ҳолда, давлат ва жамиятни ислоҳ қилишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан миллий тикланиш ва миллий юксалиш жараёни билан уйғунликда олиб борилганлиги туфайли жаҳон солномасидан ўзбек халқи яна ўзининг тарихий ўрнини, Ўзбекистон эса давлат сифатидаги нуфузини эгаллади.

Умуман олганда, ислоҳотлар марказида инсоннинг олий қадрият сифатида баҳоланиши мамлакатимиз стратегик вазифаларига ҳамоҳангдир. Хусусан, бу борадаги барча ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳам инсон ва унинг кадр-қимматини ўзига қамраб олган. Ҳолбуки, ушбу қадриятлар асосида шаклланган жамият

моҳиятига кўра халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларнинг миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади. Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, ҳар бир шахс ва турли қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Бу эса давлатимиз сиёсатининг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.

Эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш босиб ўтилган мураккаб тарихий даврни таҳлил қилиш ва истиқбол йўналишини аниқлаш, бир томондан, мустақиллик неъматининг шукронаси, иккинчидан, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш жараёнини сарҳисоб қилиш, учинчидан, бу борадаги долзарб ва масъулиятли вазифаларни англаб олишга имкон беради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Бугун биз тарихий даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз»<sup>1</sup>. Шундай экан, тарихан қисқа бу давр давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Зеро, ҳар қандай ютуқ, ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Энг оқилона режа ҳам етарли даражада моддий ва маънавий заминга эга бўлмаса, хомхаёллигича қолаверади. Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт йўлидан юксалиб бораётганида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 3-б.

Биринчидан, халқимизнинг миллий хусусиятидан, менталитетидан, давлатчилигимиз тарихидан, тараққий этган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда чуқур ўйланган ва Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки давридаёқ амалиётга татбиқ этилган, кейинчалик жаҳон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» сифатида тан олинган, бешта устувор тамойилга асосланган ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлининг ҳаётийлиги, илмий-назарий жиҳатдан пухта асослангани билан изоҳланади.

Иккинчидан, сиёсий давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат, хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошаётгани.

Учинчидан, ушбу янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида бутун халқимизнинг фаоллик, жонкуярлик, фидойилик билан иштирок этаётгани, Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётганидир.

Юртбошимиз, «Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда», деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли ра-

вишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди.

2008—2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етганлиги, жорий 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир туғдираётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди, давлат бюджети эса сўнгги беш йилда профицит билан бажарилмоқда<sup>1</sup>. Мамлакатимизда қўлга кириталаётган бундай улкан ютуқлар замирида қуйидагиларни эътироф этиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги осон ва ўз-ўзидан қўлга киритилмади, балки Юртбошимиз раҳнамолигидаги халқимизнинг собитқадам ва сермашаққат фаолиятининг натижаси бўлди.

Иккинчидан, Президент Ислон Каримов томонидан асослаб берилган жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз бўлиб турганига қарамай, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва босқичма-босқич модернизациялаш модели амалда ўзини тўла оқламоқда.

---

<sup>1</sup> Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. / Туркистон. — Тошкент, 2010, 13 ноябрь.

Оламшумул, тарихий ўзгаришларни бутун борлиғича илғаб олиш, аввало алоҳида шахслар салоҳиятида намоён бўлади. Воқеа содир бўлгач, унинг нақадар чуқур ва аҳамиятли эканлигини оммага тушунтириш маълум вақт ўтгач юз беради. Ўзбекистонда мустақиллик ғоялари аввало миллатнинг ҳақиқий жонкуярлари қалбида пайдо бўлди ва ана шу ғояларни амалга оширишдек буюк хизмат ҳам бевосита ана шу авлод зиммасига тушди. Президент Ислом Каримов Ватанни озод қилиш ташаббускори ва уни бевосита амалга оширган муаллифи сифатида тарихга кирди. Ислом Каримовнинг 1995 йил 23 февралда Республика Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаси «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» деб аталган эди. «Бугун бизнинг олдимизда, — деган эди Президент ўз маърузасида, — шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак».<sup>1</sup> Президентимиз ўша пайтда башорат қилган, олға сурган ғоялар бугун ҳақиқатга айланди, халқнинг турмушига, ҳаёт тарзига сингиб кетди.

Мустақил Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятининг муносиб аъзосига айлангани ҳолда ўз таъсир доирасини кенгайтириб ва обрўсини тобора ошириб бормоқда. Ривожланишнинг «ўзбек модели» деб ном олган Президентнинг беш тамойили ҳаёт синовларидан ўтиб, ўзининг илмий ва амалий теранлигини ёрқин намоён қилди. Жамоатчилик фикрини шакллантириш, халқ тақдирига алоқадор муҳим қарорлар қабул қилишда

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи мажлисидаги маъруза. — Т.: «Ўзбекистон», 1995. 9-б.

бевосита халқнинг фикрига таяниш, эл оғаларининг мулоҳазалари билан ҳисоблашиш ўзининг беқиёс самараларини бермоқда. Президентнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидаги илмий хулосалар мафкурамизнинг истиқболдаги уфқларини очиб бермоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бери олиб борилаётган жамики ишлар аҳолисининг, аввало ёшларнинг савиясини ошириш, уларнинг фаол позицияларда бўлишини таъминлашга қаратилгандир. «Фуқароларнинг маданий савияси кишиларнинг мустақил фикр юритиши билан бевосита боғлиқ», деган эди Ислом Каримов. Мустақил фикр юритиш шакллари мамлакат манфаатидан келиб чиқиши лозим. Ваҳоланки, сиёсий-ижтимоий ва маданий-эстетик савияни юксалтириш Туронзаминда ҳеч маҳал иккинчи даражали иш бўлган эмас. Ҳамма вақт ҳам ҳукмдорлар ўз қошида хос хуфяларни сақлаганлар. Амир Темур бобомиз ўзи барпо этган улкан мамлакатнинг турли минтақаларидаги раият аҳолини билиш мақсадида жойларга ўз одамларини, сарой аъёнларини мунтазам юбориб, аҳволдан бохабар бўлиб турган. Қўшни юртлар ва мамлакатлардаги аҳволдан ҳам бохабарликни аждодларимиз ўзлари учун фарз деб билганлар, савдо-сотиқ, тўй-маърака ва байрамларда борди-келди қилишлар шаклида ҳам аҳолининг кайфияти ўрганиб борилган. Фуқаронинг мамлакат ҳаётидаги ролига катта аҳамият берилган. Муайян сиёсатни белгилашда аҳолининг огоҳ ва ҳушёрлиги ҳам муҳим роль ўйнаган. Ҳазрат Алишер Навоий «Агар огоҳсен — шоҳсен сен...», дея бежиз айтмаганлар.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш комил инсонни тарбиялаш вазифасини устувор қилиб қўймоқда. Бу эса ёшлар муаммолари билан, жумладан, уларнинг дунёқарашини миллий ғоя тамойиллари асосида шакллантиришни тақозо этмоқда. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини 30 ёшга-

ча бўлган ёшлар ташкил қилади ва бу ёшлар жамияти-мизнинг истиқболи сифатида муҳим ижтимоий қатлам ҳисобланади. Президент Ислом Каримов бу борада фикр юритиб, **фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим** эканини таъкидлаган. Бугунги ёшлар демократик жамият шароитида эркин яшамоқда ва тарбия олмақда. Уларнинг маданий-эстетик дунёқараши ҳам янги жамият эҳтиёжларига мос равишда шакллантирилиши керак.

Демократик жамият шаклланиш жараёнини объектив сабаблар билан боғлаб тушунтириш, мазкур масалага бир ёқлама ёндашувга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам субъектив омилларнинг Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятнинг таркибий қисми эканлигини эътироф этмоқ лозим. Умуман олганда, тарихий жараёнларда субъектив сабаблар баъзан ҳал қилувчи омилга айланиши ҳам мумкин. Шу маънода, демократик жамият шаклланиши сиёсий етакчининг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади.

Сиёсий етакчи кенг қамровли тушунчадир. Бизнинг мезонлари ҳақида тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Вазият унинг шахс сифатидаги фаолиятини таҳлил қилиш заруриятини кўрсатади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиз бешта тамойил ҳақида олимлар, соҳа мутахассислари томонидан унинг таҳлили, жамият тараққиётидаги ўрни кенг ёритиб берилган. Бизнинг мақсадимиз ана шу жараёнда сиёсий етакчининг иштироки ва роли ҳақида тўхталиб ўтишдир.

Тарихдан бизга маълумки, шахс жамият тараққиётига жиддий таъсир этиши мумкин. Шахс демократик жамият шаклланишида муҳим омиллардан бири. Айниқса, Ўзбекистонда ижтимоий муносабатларни модернизациялаш, демократик тамойилларни ижтимоий воқеликка жорий этиш, Ўзбекистоннинг ўзи танлаган йўлдан боришида масаланинг қуйидаги жиҳатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.



Биринчидан, шахс мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг фақатгина объекти эмас, балки субъектига айланмоқда.

Иккинчидан, шахснинг сиёсий жараёнларда демократик ислохотларнинг амалга ошишида сиёсий фаолиги хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда сиёсий етакчининг салоҳияти, унинг раҳбар сифатидаги фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Шу маънода айтиш мумкинки, Ислом Каримов Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида демократик жараёнларни одилona бошқаришнинг мураккаб тарихий шароитида демократияга асосланган миллий давлатчилиқни шакллантиришнинг назарий ва амалий заминини яратган сиёсий етакчи ҳисобланади. Бугунги кунда И.Каримов томонидан тайёрланган, жаҳон тан олган тараққиётнинг «ўзбек модели» Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосий омили ҳисобланади.

Сиёсий муносабатлар тизимида сиёсий етакчи, муайян сиёсий қадриятларнинг ташувчиси, яратувчиси сифатида ҳам ўзини намоён этади.

Кишиларнинг сиёсий фаолияти шу соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, жамиятда мавжуд объектив шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Шулардан, фикримизча, энг муҳими: а) моддий, б) ижтимоий-маданий, в) сиёсий-ҳуқуқий, г) маънавий-мафкуравий шарт-шароитлардир. АҚШлик политолог С.М. Липсетнинг таъкидлашича, жамият қанчалик иқтисодий тақомиллашган бўлса, моддий-маънавий жиҳатдан ривожланган бўлса, унда демократик ислохотлар тезкорлик билан амалга ошади. Ривожланган давлатлардаги демократик қадриятлар ривожланаётган давлатлар учун ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин.

Жамият сиёсий ҳаётида демократик ислохотлар, маълумки, турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг демократлашуви жараёнини, фақат

моддий-техникавий омилларга боғлаб қўйиш фалсафаси масалага бир ёқлама ёндашувдан иборат. Зеро, Ўзбекистонда демократик жамиятнинг муҳим негизларидан бири маънавий, мафкуравий асослар ҳисобланади. Мазкур муаммонинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратиш керак, у ҳам бўлса, сиёсий ижтимоийлашув масаласидир. «Сиёсий ижтимоийлашув» тушунчаси ўзининг икки жиҳатига эга.

Биринчидан, сиёсий ижтимоийлашув индивид-шахсинг сиёсий етуклиги, такомиллашуви жараёнини ўзида ифодалайди. Яъни, ҳар бир фуқаронинг жаҳондаги мафкуравий манзара ҳақидаги ўзининг сиёсий қарашларига эга бўлмоғи ва пировард натижада унинг ўз сиёсий «мен»ига эга бўлиши назарда тутилади.

Иккинчидан эса, жамият аъзоларининг кўпминг йиллик сиёсий тажрибаси, ақл-заковатидан, маънавий-маданий меросидан фойдаланиш салоҳияти объектив заруриятга айлана боради. Фуқароларнинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёни турли босқичларда амалга ошади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, энг муҳим босқичлардан бири ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган босқичдир. Ундан кейинги босқич меҳнат фаолияти билан белгиланади.

Сиёсий тизимда эса, давлат алоҳида ўрин эгаллайди. Давлатнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили, унинг жамият аъзоларининг алоҳида уюшган шакли сифатида ва уни бошқа кўплаб жиҳатлардан ажратиб турувчи белгиларини ўрганишни тақозо этади. Бинобарин, тараққиётнинг «ўзбек модели»да иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги биринчи масала қилиб белгиланган. Бунда иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигини ҳисобга олсак, иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳам шундай бўлиши назарда тутилган ҳолда, давлат бош ислоҳотчи сифатида белгиланган. Демак, ислоҳотлар кенг жамоатчилик иштирокида, давлат ишлаб чиққан дастурлар асосида унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилади.

Шу маънода, давлат бош ислохотчи сифатида қонунларнинг устуворлигига эришиши, кучли ижтимоий сиёсат юритиши, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш асосида бозор муносабатларига ўтишни ташкил қилишда, ўзининг функцияларини амалга оширишда, аввало, сиёсий фаолиятини демократлаштириш зарурияти юзага келади.

Ҳар қандай давлатнинг мавжудлигини белгиловчи шарт-шароитлардан бири бу — ўзига хос сиёсий, мафкуравий маконнинг мавжудлигидир. Мафкуравий маконнинг мавжудлиги, айниқса, демократик жамият шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Барқарор сиёсий муҳит ва муқобил мафкуравий манзара Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг омилларидан биридир. Давлатнинг тасарруфида бўлган жуғрофий ҳудуд ва аҳоли ҳар қандай давлатнинг асосий белгилари ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатнинг ҳудуди билан мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг этник таркибига эътибор ҳам муайян ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлади. «Постсовет» маконида юзага келган геополитик вазият шундан далолат берадики, давлат ҳудуди билан аҳолининг этник, миллий таркиби ўртасидаги номуносиблик баъзи ҳолларда жиддий муаммоларнинг манбаи бўлиши мумкин.

МДХ давлатларида мавжуд баъзи бир ҳудудий муаммоларнинг асосий негизи, собиқ иттифоқ даврида ана шундай муҳим масалага ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан ёндашишда, десак, назаримизда хато бўлмайди.

Шу маънода, М. Вебер ҳар қандай давлатнинг ўзига хос хусусияти сифатида зўравонликка асосланган ишларнинг бошқа кишилар устидан ҳукмронлик қилишга қаратилган муносабатлар<sup>1</sup> эканлигини таъкидлаши фикримизнинг исботидир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Вебер М. Введение в политологию. — М.: Оникс, 1993. — С. 67.

Давлат ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш учун махсус воситалардан фойдаланади. Ҳокимият органлари суд, прокуратура, ахлоқни тузатиш муассасалари, армия ва бошқалар ана шундай воситалардандир. И.А. Ильиннинг фикрига кўра, «жисмоний куч... давлат учун зарурдир, аммо, у давлат фаолияти учун асосий усул бўлолмайди»<sup>1</sup>.

Демократик жамиятда ҳокимият давлат манбаи бўлиши билан бирга, универсаллашиб, умумийлашиб боради. Унда Халқ ҳокимиятчилигини амалга оширилишида, ҳокимиятнинг Халқ манфаатларига бўйсундирилгани муҳим хусусиятдир. Чунки унинг ижтимоий негизини халқ ташкил этади. Демак, мамлакатимиздаги сиёсий тизимнинг туб мақсади, Ўзбекистонда адолатли демократик жамиятни вужудга келтириш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик муҳитни, сиёсий барқарорликни, миллатлар ўртасидаги тотувликни ва ҳамжиҳатликни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг амалга ошиши кучли ҳокимиятнинг шакллантирилганлиги ва сиёсий тизим масалалари билан ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари тизимида, тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида энг барқарор ривожланаётган давлатлардан бири сифатида халқаро ҳамжамят томонидан эътироф этилмоқда.

Ўтмишда ҳокимият, давлат тушунчалари зўрлик билан айна бир маъно ва мазмунга эга тушунчалар сифатида қайд этилиб келинган эди. Ҳокимият тушунчасига синфий-партиявий нуқтаи назаридан ёндошув, ҳозирги давр талабларига фақатгина мос келмайди, дейиш етарли эмас, зеро, ижтимоий ҳодисаларнинг таҳлилига бундай ёндашув, назаримизда, назарий жиҳатдан хатодир.

Демократик сиёсий тизим шароитида ҳокимият ўзига хос мазмун касб этади. Бу ўзига хосликнинг асосида

---

<sup>1</sup> Ильин И.А. Аксиомы власти. О сущности правосознания. — М.: Наука, 1993. — С.134.

ҳокимиятнинг ваколатлар мажмуасидан иборат бўлган яхлит тизим ётади. Ана шундай ваколатларнинг ибтидосини миллий ғояга асосланган сиёсий тизим ташкил ётади.

Ҳокимият ва сиёсий тизим бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирларини тўлдиради ва бойитади. Мамлакатимиз сиёсий тизимининг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил ётади. Конституциямиз тараққиётнинг «ўзбек модели»да қайд этилган қонун устуворлиги тамойилининг негизи, десак, муболаға бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Гарвард университети профессори Дональд С. Карлайл Асосий Қонунимизни: «Каримов Конституцияси» ёки «дунёда энг мақбул тузилишга эга Конституциялардан бири»<sup>1</sup>, деб таърифлайди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кундан бошлаб, демократик жамият тамойилларини ижтимоий амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бешинчи бўлими «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деб аталиб, унда барча давлат ҳокимиятларининг функциялари аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Мазкур ҳолат мамлакатимизда юзага келган ислохотлар жараёнида ҳокимият органлари ходимларининг масъулиятини, шу билан бирга уларнинг яратувчанлик функцияларини янада оширади. Шу билан бир қаторда, давлат ҳокимияти талаб даражасида ишлаши учун фуқароларнинг фаол иштироки заруриятини тақозо ётади. Бу жараёнда мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришда инсон онги билан боғлиқ бўлган шахснинг сиёсий фаоллигини ошириш каби масалалар вужудга келади.

Бу жараёнда миллий хусусиятларимиз ҳамда миллий тарихий қадриятларимиз етакчи мавқега эга бўлади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирҳамидов М.* Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. — Т.: Университет, 2003. 67-б.

Жамиятимиздаги фуқаровий бирлик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёт бевосита сиёсий тизимнинг халқчиллик асослари билан қурилганлигига бориб тақалади. Шу ўринда, масаланинг яна бир муҳим томони ҳақида фикр билдириш лозим. Демократик тараққиётнинг жамиятдаги ички салоҳияти ижтимоий имкониятларининг реал ижтимоий амалиётда намоён бўлиши, табиийки, ўз-ўзидан механик тарзда амалга ошмайди. Эски қарашларни бартараф этиш, ҳозиргача сақланиб қолган эскича тафаккур тарзи, тасаввурларга барҳам бериш жамият янгиланишининг энг самарали йўллари билан бири бўлиши билан бирга, айтиш пайтда амалга оширилаётган институционал ўзгаришларнинг гаровидир.

Шу маънода, «ўзбек модели» дастурини амалга оширишда давлат бош ислохотчи сифатида, бу жараёнда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишни асосий масалалардан бири қилиб қўйди. Бу эса ўз-ўзидан бошқариладиган бозор муносабатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган тараққиётнинг «ўзбек модели» да белгилаб берилган бозор муносабатларига ўтиш муҳим зарурий эҳтиёж. Аммо бу масалани бир томонлама тушунмаслик лозим, гап фақат бозорни ташкил этиш ва уни ривожлантиришда эмас. Бозор иқтисодига ўтиш муқаррар. Бу — давр талаби, объектив реалликдир. «Бозор иқтисодиётини барпо этиш — шунчаки мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадларининг ўзи; бу энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир»<sup>1</sup>, деб таъриф беради Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов. Умуман, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг мақсади — халқ фаровонлиги, демократик жамият тараққиётига эришишдир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. 2-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 14-б.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш борасида алоҳида таъкидлаш лозимки, нафақат ижтимоий-сиёсий тизим, балки географик муҳит, мамлакатимизнинг географик жойлашуви, минг йиллар давомида ўтмишда шакллантирилган хўжалик юритиш воситалари, иқтисодий муносабатларда маданий-маърифий омиллар ва кўникмалар, кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Агар ана шу фикр нуқтаи назаридан қаралса, Ўзбекистонда демократик жамият шаклланиши жараёнини «ўзбек модели» тушунчасисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Чунончи, «Ўзбекистонда демократик жамият» тушунчаси «ўзбек модели» тушунчаси орқали ўзининг янада бой ва конкрет мазмунига эга бўлди, аниқроғи, «демократия мамлакатимиз миқёсида назариядан амалиётга ёки мавҳумликдан «Ўзбекистон модели»га айланди»<sup>1</sup>. Мазкур масалага атрофлича тўхталишдан олдин, унинг ижтимоий-фалсафий ва назарий таҳлили, назария ва амалиёт бирлиги натижасида келиб чиқиши зарурлигини таъкидлаш керак бўлади.

Демократия шундай ижтимоий-сиёсий ҳодисаки, у доимий равишда ривожланиш ва такомиллашув жараёнида бўлади. Демократиянинг асосий шаклларида бири унинг бевосита, яъни тўғридан-тўғри, реал ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши шаклидир. Демократик жамиятнинг «ўзбек модели» ижтимоий борлиқни моделлаштиришнинг реалистик моделига қиради. Реалистик модель социумни олий маънавий ибтидо сифатида тушунтиради. «Ўзбек модели» тушунчасининг моҳияти шундаки, у ижтимоий борлиқни фақат шарқона демократик тамойиллар асосидагина ифодаламасдан, балки жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш, модернизациялашнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. — Т.: Наврўз, 2005. 74-б.

Жамиятнинг барча бўғинларида янги типдаги иқтисодий тафаккурни шакллантириш, янги замонавий иқтисодчилар, ишбилармонлар, тадбиркорлар гуруҳини вужудга келтириш, уларга барча имкониятларни яратиб бериш вазифаларини ҳал этишни ҳам ўз ичига олган тараққиётнинг «ўзбек модели» ижтимоий ҳодисаларни зарурият сифатида эмас, балки жипслаштирувчи, ҳаракатлантирувчи ғоя, мафкура сифатида фуқароларнинг эркинлиги, манфаати билан боғлаб талқин этишни тақозо этади. Ижтимоий борлиқ эса, мазкур маънода фақат моддийликни абсолют деб ҳисобламасдан, инсон руҳияти, маънавияти, унинг ички дунёси, «Мен»ини ҳам ифодалайди.

Демократик жамиятда эса, мафкура ва ғоя жамият қарашларига таянади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мафкура ва ғоя ўзида қуйидагиларни мужассам этади:

Биринчидан, мафкура демократик жамиятда ижтимоий реалликнинг императив лойиҳаси;

Иккинчидан, мафкура ижтимоий реалликни ўзига хос башорат этувчи қадриятдир;

Учинчидан, мафкура кишиларни муайян мақсад йўлида бирлаштирувчи ижтимоий лойиҳадир.

Солженициннинг таъкидлашича, «собиқ иттифоқда таназзулга учраган ҳукмрон мафкура бирор-бир кишини бирор мақсад сари йўналтира олмади, мамлакат ҳаётига, сиёсатга бу мафкуранинг ҳеч қандай алоқаси йўқ»<sup>1</sup>. А.Д. Сахаров эса, советларнинг мафкурасига энди ҳеч ким ишонмаслиги, шунинг учун у билан курашишнинг кераги ҳам йўқлиги ҳақида айтади. Унинг фикрича, собиқ иттифоқ элитаси ғояга эмас, кўпроқ ҳокимиятга ишонишини таъкидлайди, шунинг учун халқ оммаси бу мафкурага нисбатан ишончини йўқотган эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Пигров К.С.* Социальная философия. — М.: Приор, 2003. — С. 275.

<sup>2</sup> Ўша жойда.



Тараққиётнинг «ўзбек модели» эса жамиятни ривожлантиришнинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олган ва ҳар қандай демократик жамият шаклланиши тамойилларига мос келувчи асосий тамойиллар тизимидир.

Мафкура жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзида мужассам этади. Демократик тамойилларга асосланган жамиятда эса мафкура ва ғоя жараёни тезкорлик билан амалга оширишни таъминлайди.

Ижтимоий воқеликнинг ўзига хос бир шакли сифатида «ўзбек модели» бошқа моделлардан фарқ қилади. Унинг асосий фарқларидан бири — биз юқорида таъкидлаганимиздек, миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб, давлатчилигимизни демократик тамойиллар асосида шакллантирувчи миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидир. Шу маънода «ўзбек модели» фақатгина иқтисодий ривожланиш модели эмас, балки миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда нашр этилган илмий тадқиқотларда ижтимоий воқелик баъзи ҳолларда ижтимоий борлиқ шаклида берилади. Жамият тараққиётида ижтимоий тартиб муаммоси муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий борлиқнинг модели, демократик жамият қуриш жараёнида ижтимоий тартиб тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлади. «Ўзбек модели»нинг яна бир ўзига хос жиҳати, унинг мазкур тушунча билан узвий боғлиқлигидадир. Ижтимоий барқарорлик, ижтимоий тартиб жамият аъзоларининг интизомисиз, юксак сиёсий маданиятисиз мавжуд бўла олмайди.

Тараққиётнинг «ўзбек модели»да шундай ғоя ётадики, шаклланаётган демократик жамиятда, аввало, сиёсий тизим ва унинг элементлари тубдан ўзгариб, такомиллашиб боради. Ўзбекистон фуқаролари амалда қонунчилик асосида халқ ҳокимиятини бошқаришда бевосита ёки билвосита фаол иштирок этади ва «кенг халқ оммаси давлат учун» деган шиор остида эмас,

балки «демократик давлат халқ учун хизмат қилади», деган тамойилнинг устуворлиги асосида ижтимоий бошқарув амалга оширилади.

Маълумки, демократик жамиятга ўтиш ҳар доим ҳам силлиқ кечавермайди. Чунки, демократик жамиятга ўтишда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги истеъмолда бўлган бошқарув механизмлари барҳам топиб, уларнинг ўрнига шаклланаётган демократик жамият фуқароларининг манфаатлари, ҳуқуқи ва эркинлигига мос келадиган, уларни тўла-тўқис таъминлай оладиган ижтимоий бошқарув механизмлари қарор топади. Тараққиётнинг «ўзбек модели»да илмий-назарий жиҳатдан асосланган қуйидаги кучли ижтимоий-сиёсий механизмлар шакллантириб борилади.

Биринчидан, иқтисодиётда бозор муносабатларининг ижтимоий бошқариладиган шакли қарор топади, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожланиб, такомиллашиб боради, очиқ рақобатга чидамли, жаҳон иқтисодиётига кира оладиган кучли иқтисодий салоҳиятни вужудга келтириш, натижада Ўзбекистон фуқароларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш асосида демократик жамиятнинг иқтисодий моддий-техника базасини яратиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи сифатида мазкур жараёнда фаол иштирок этади, унинг ташаббускори бўлиши ҳамда ислоҳотларни изчиллик ва қатъийлик билан амалга ошириши, жамиятни янгилаши, халқнинг осойишталигини таъминлаб, тинчликни мустаҳкамлаши лозим бўлади.

Учинчидан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги, шунингдек, бозор иқтисодиёти қонунчилиikka таяниши, фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар, қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва барча фуқаролар қонунлар асосида иш кўриши эътиборга олинади.

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, инсоннинг меҳнат қилиши, ижодий ва маънавий камолотини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган турмуш шароитини яратиш, шунингдек, аҳолининг ночор қатламларини ҳимоялаш дастурларини ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга ошириш зарурлиги билан белгиланади.

Бешинчидан, юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, иқтисодий сакрашларсиз, инқилобий ларзаларсиз, фақатгина чуқур ислохотларни амалга ошириш билангина, бозор муносабатларига босқичма-босқич тадрижий йўл билан ўтиш лозим.

Мафкуравий, маънавий ҳаётда эса, комил инсонни тарбиялаш, унинг қадр-қимматини, эрки ва иродасини юксак қадрият даражасига кўтариш имконияти пайдо бўлади. Бинобарин, Президентимизнинг мустақиллигимизнинг илк йилларида **«Бизнинг олий мақсадимиз мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш»**, деган эзгу ниятлари рўёбга чиқмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Ислом Каримов сиёсий етакчи сифатида Ўзбекистон тақдирида кескин бурилиш нуқтаси бўлган сиёсий жиҳатдан ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда ўзиммасига тушган тарихий вазифанинг моҳиятини теран англаган ҳолда, турфа гуруҳ ва тўдаларнинг фикрлари, ниятлари, хорижий «жонқуяр»ларнинг «маслаҳатлари» лойқалата бошлаган Миллий истиқлол ғоясини ҳасад ва манфаат каби нопок мақсадлардан тозалаб, покизалаб ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантирди.

1991 йил 28 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон миллий боғи ва Алишер Навоий ҳайкали очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали митингда — Мустақиллигимизнинг илк ойидаги энг мўтабар тантанада Республикамиз Президентининг айтган сўзлари диққатга сазовордир:

«Бу йил халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи ҳал қиладиган бўлиб қолди...

Бизларнинг тарихимиз, бугунги ҳаётимиз шуни кўрсатаптики, озодлик йўли, мустақиллик йўли машаққатли ва ғоят оғир бўлади. Ҳали кўп синовлардан ўтишга тўғри келади.

Истиқлол йўлида биринчи қадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарияти ва сиёсатига маломат тошларини отиш ва тутаётган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан-кунга кучайиб кетаяпти...

Шу сабабдан, бугун халқимизни доимо бирдамликка, бир-бирига ҳамнафас ва ҳамдард бўлишга чақирган улуғ бобокалонимиз сиймоси олдида, келинглар, бир-биримизга сўз берайликда:

Озодлик ва Истиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий татбиқ этишда бир тан, бир жон бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик!»

Кўнгилнинг туб-тубидан отилиб чиққан ва халқнинг қалбини тўлқинлантирган, Миллий ғоянинг масъулиятини зиммасига олган бу даъваткор сўзлар ҳар бир юртдошимизнинг юрагида умид ва ишонч уйғотгани шубҳасиздир.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш, Юртбошимизнинг етакчи сифатида халқимизни тўғри йўлга бошлай олгани, унда ишонч уйғота олгани, шу билан бир қаторда мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Бу жараёнлар жамиятнинг юксак интеллектуал куч асосида ривожланишини реалликка айлантериши таваққулни «ўзбек модели»да тамойиллар асосида белгилаб берилган.

Бинобарин, тараққиётнинг «ўзбек модели» миллат менталитетини ҳисобга олиб, мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраган ҳолда, демократик жамият ривожини таъминлашга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Республикамизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида аввало: жаҳон цивилизацияси манфаатларига мос келадиган, юксак шарқона маданиятга асосланадиган янгича яшаш тамойилларини таъминлаш; Ўзбекистонда маънавият, мафкура, миллий ғоя ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига янгича қараш; мамлакатимизда ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, эътиқоди ва маслагидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига асосланадиган, ижтимоий ҳамжиҳатликни муттасил ва узлуксиз таъминлаб туриш эҳтиёжини ўзида ифодаладиган миллий ғоянинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларнинг долзарблигига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистонда кечаётган демократик жараёнларни сунъий равишда, қандайдир ташқи таъсирлар асосида тезлатиш ёки бу жараённи секинлаштириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Президенти томонидан бундай оқибатларнинг олдини олишга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, шунингдек, жамият тараққиётини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғояларни чуқур таҳлил қилиш жамият тараққиётининг ҳозирги даврига хос бўлган хусусиятларни чуқурроқ англаб етиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, тараққиётнинг «ўзбек модели»да қуйидагилар ўз ифодасини топган:

Биринчидан, иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, давлат сиёсатини эмас, жамият, халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

Иккинчидан, миллий тараққиётимизда шошма-шошарликка йўл қўймаслик мақсадида, эртанги кунда катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, давлат бош ислоҳотчи сифатида халқимиз ва Ватанимиз асрий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган, шунингдек, умумжаҳон тараққиёти ижобий хусусиятларини назарда тутган ҳолда фаолият олиб бориши.

Учинчидан, демократик жамиятни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти — бозор иқтисодиётини қонунчилик асосида ташкил этишдир. Шу маънода, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлган қонун устуворлигига эришиш.

Тўртинчидан, миллий сиёсат олиб боришда кўп миллатлилик, ягона Ватан туйғуси, ҳамжиҳатлик ғояларини, мақсадлар бирлигини инobatга олган ҳолда миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш.

Бешинчидан, бозор муносабатларига ўтишда республиканинг ўзига хос шарт-шароитларини, халқнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналарини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, ҳар бир босқичда кишилар онгини тайёрлаб, олиб борилаётган ислоҳотларнинг нечоғли тўғри эканлигига ишонтириш ва амалий фаолиятини таъминлаш.

Халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама билиш, уни замондош онгига сингдириш ва фуқароларда мустақил ҳаётда эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш тафаккурини шакллантириш бугунги — тобора глобаллашиб бораётган жараёнларга тўла замонда катта аҳамиятга эга.

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТГА ЎТИШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Кучли давлатдан кучли жамият сари» асарида, «Биз ХХI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, холос. «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш вақти келди.

Бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим»<sup>1</sup>, деган эди. Бинобарин, Ўзбекистонда кучли давлат тизими жаҳон андозаларига мос келадиган ва миллий қадриятларни ўзида мужассам этган демократик жамият шаклланишини таъминлайди. Кучли жамият тушунчаси демократик жамият тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлади.

Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш назариясининг асосчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, унинг учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим:

Биринчидан, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонунларга сўзсиз итоат этиши.

Иккинчидан, бой миллий-маънавий меросимизга таяниш.

Учинчидан, жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш.

Тўртинчидан, кишиларнинг эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Бешинчидан, демократик жамият шаклланиши жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларининг ролини ошириб бориш.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. — Т.: «Шарқ», 1998. 31-б.

Олтинчидан, демократик жамият барпо этишда маҳалла ижтимоий институтининг ролини ошириб бориш.

Еттинчидан, демократик жамият шаклланиши жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш ва адолат тамойилларининг қарор топиши.

Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг қарор топиши ва такомиллашуви жараёни жадал кеча бошлаган истиқлолнинг илк йиллари аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тез суръатларда шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини ақс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

**Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.**



Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкам-ланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда<sup>1</sup>.

Кучли адолатли давлат демократик жамиятнинг қарор топишини таъминлайди. Ўзбекистонда шаклланаётган демократик адолатли фуқаролик жамияти ҳақида Президент И. Каримов шундай дейди: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожеали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга тўғри келмайди»<sup>2</sup>.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда шаклланаётган миллий давлатчилик халқимизнинг бой тарихий мероси ва умумжаҳон қадриятлари асосида шаклланаётган шарқона демократиянинг ўзига хос кўринишидир. Бинобарин, Ўзбекистонда шаклланаётган демократия, қонунлар, ижтимоий нормалар, шунингдек, минтақада ва жаҳонда кечаётган мураккаб жараёнларни ўзида мужас-

---

<sup>1</sup> Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. / Туркистон. — Тошкент, 2010, 13 ноябрь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. —Т.: «Ўзбекистон», 1996. 8—9-б.

сам этиб, давлат, миллат ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қилади ва улар учун хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, «Шарқона демократия» аслида демократия тушунчасининг ажралмас таркибий қисмидир. Бу демократия Шарқ мамлакатлари, асосан аҳолисининг кўп қисми мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлишидир. «Шарқона демократияда давлат ва жамият ишларини ижро қилишда, аввало, адолат ва ахлоқий-маънавий меъёрларга эътибор берилган. Иймон-эътиқод, эзгу амал, хушмуомалалик, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, ҳақиқа хиёнат қилмаслик, мурсою мадора билан жамоа бўлиб яшаш, ўзаро иззат-ҳурматда бўлиш, амалдорлар фаолиятини қадрлаш, фармонларга бўйсунуш ва ишонч билан қараш, одамларнинг арз-додига қулоқ тутиш, ноҳақлик рўй берганда заиф, ёрдамга муҳтож томоннинг тарафини тутиш, покликни, меҳр-мурувватни ва беғаразликни улуғлаш каби фазилатлар»<sup>1</sup>га асосланадиган фаолиятдир. Ана шу хусусиятлари билан ушбу ижтимоий тушунча Фарб демократиясидан фарқ қилади.

Айни пайтда шарқона демократия, сиёсий тартибсизликлар, бош-бошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди ҳамда жамият ва давлатнинг ички масалалари ҳар қандай фундаменталистик ва куролли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралаган ҳолда, ўз фаолиятини ўзига хос маданият тамойиллари асосида йўлга қўя оладиган, янгича тафаккур тарзи, ақл-идроққа, мафкурага таянган кишиларнинг муносабати, юксак маънавият ва инсоннинг ички маданиятини, руҳиятини намоён этиш имкониятидир.

---

<sup>1</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. —Т.: «Ўзбекистон», 2007. 39-б.

Шарқона демократия фақатгина соф назария ёки ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг натижаси бўлиб қолмай, шу билан бирга минг йиллар давомида шаклланиб келган, минтақамизда истиқомат қилиб келаётган турли миллатларнинг турмуш тарзи ва руҳияти, тафаккури, реал ижтимоий амалиёти муносабатлари ҳамдир. Ана шу жиҳатдан мазкур масалага ёндашадиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, Осиё минтақасида ва Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Уларга қуйидагилар киради:

биринчидан, Шарқда демократик жараёнлар тадрижий ва узвий равишда аста-секин тараққий топади;

иккинчидан, жамиятни демократлаштириш одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир;

учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак<sup>1</sup>.

Жамиятни демократлаштиришда ҳар бир давлат ва миллатнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олингандагина, уни амалга ошириш реаллашади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Фарб демократиясида инсоннинг ички маънавий олами асосий ўринда турмайди, «Натижада Фарб демократияси ташқи олами, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, институтларни ўзгартиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган ёндашувга айланади. Шарқона демократия эса дунёни, ижтимоий ҳаётни ўзгартиришни, такомиллаштиришни инсондан, унинг ички, маънавий ҳаётини мукаммаллаштиришдан бошлайди. Унинг мақсади инсонни, унинг маънавиятини мукаммаллаштириш орқали етук давлат, идеал жамият қуришдир»<sup>2</sup>. Бу ўринда биз Фарб

<sup>1</sup> Қаранг: Туленов Ж., Фафуров З. Фалсафа. — Т.: «Ўқитувчи», 1997. 35-б.

<sup>2</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. 3-б.

демократиясини қоралаш ниятидан йироқмиз. Албатта, демократиянинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ҳар бир давлат ва миллат учун унинг ҳаракат қилиш жиҳатлари ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, Шарқ демократиясининг Ғарб демократиясидан фарқ қилувчи, ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари мавжуд эканлигини эътироф этмоқни назарда тутдик.

Бинобарин, Ўзбекистонда шарқона демократияга асосланган жамиятни барпо этиш мамлакатимиз тарраққиятининг асосий мақсадларидан биридир. Шу маънода, шарқона демократия ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, эркин фикр алмашиш, барча фуқароларнинг манфаатини ифодалайдиган хулосага келиш, ҳар қандай мафкуравий тазйиқларни асрлар давомида шакланган Шарқ халқларининг ҳурфикрлилик, бағрикенглик ва мулоҳазакорлик каби қадриятлари асосида бартараф этиш сингарни хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳолда, озод ва фаровон ҳаётни таъминлашдир.

Табиийки, шарқона демократия, умумдемократик тамойилларни ўзида мужассам этиши билан бирга, Шарқ цивилизациясига ва маънавий, мафкуравий қадриятларига хос бўлган муҳим белгиларни ҳам акс эттиради. Масалан, бундай белгилардан адолатпарварлик, ҳамжиҳатлик, ҳурфикрлилик ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шарқона демократияга Президент И.А. Каримов шундай таъриф берган эди: «Осиё минтақаси ва муsulмон шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос анъаналарига эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади»<sup>1</sup>. Шу маънода, фуқаролик жамияти асосларини мустақамлашнинг пировард натижаси Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишдан ибo-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. — Т.: «Ўзбекистон», 1992. 12—14-б.

рат миллий қадриятлар ва маънавий демократик жамиятни шакллантиришни тезлаштиради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқароларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан шаклланиши, жамият ҳаётидаги фаол иштироки демократия ривожига хизмат қилади. Дарҳақиқат, «Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи маънавий соҳадаги ислоҳотларни ўта муҳим долзарб вазифага айлантормоқда. Зеро, маънавияти суст ва шу боис халқи пароканда, яъни у юксак маънавий негизда нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан сиёсий партияларга уюшмаган мамлакатда давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиб бўлмайди»<sup>1</sup>. Демак, Ўзбекистонда демократик жамият ривожининг асоси бўлган фуқаролик жамияти буларсиз шакланмайди ва натижада, фуқаролик жамияти тўла-тўқис шакланмаса, демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг имконияти бўлмайди.

Бинобарин, фуқаролик жамиятининг асосий белгиси демократик жамият барпо этишга қаратилган. Чунки, «Фуқаролик жамиятида халқ ҳокимиятчилиги янада мустақамланади, фуқароларнинг сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва институтлари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кенгайди, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади ва плюрализм, маданий ранг-баранглик, мусобақа ва ижобий рақобат, янгилик яратиш иштиёқи, бир-бирини маънавий бойитиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, гўзалликка интилиб, бетакрор маданий бойликлар яратиш, уларни халқ мулкига айлантириш ўй-нияти билан меҳнат қилиш ҳаёт тарзига айланади»<sup>2</sup>. Зеро, Ўзбекистонда демократик ис-

<sup>1</sup> Жалолов А. Демократия — муаммолар ечими // Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация этиш йўлида. Ижтимоий-услубий анжуман материаллари тўплами. — Т.: ЎзМУ, 2005. 11-б.

<sup>2</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. 59—60-б.

лоҳотларнинг таркибий қисми фуқаролик жамиятининг муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий институтлари нормал функцияларининг бажарилишидир.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатимизда демократик жамиятнинг асосий тамойиллари ва усуллари шаклланиб ва такомиллашиб бормоқда, хусусан, ҳамжиҳатлик, жамоатчилик усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, Ўзбекистоннинг ўзига хос демократик жамият барпо этиш йўлидан изчил бораётганлигидан далолатдир.

Иккинчидан, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида фақат шарқона ёки ғарбона усулларга риоя қилишимиз керак, деган категориял хусусият ҳозирги даврнинг мураккаб геосиёсий жараёнларига мос келмайди. Шу нуқтаи назардан, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларни ўзида мужассам этган ҳолда, миллий мафкурамиз тамойилларига таяниб, демократик жамиятни шакллантириш лозим.

Учинчидан, барча мамлакатлар учун умумий бўлган, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тўла акс эттирадиган ягона универсал демократия модели инсоният тарихида мавжуд бўлмаган ва бўла олмайди. Фақат ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг у ёки бу шаклини моделлаштириш жамият ривожланишининг қонуниятларини шакллантириш имконини яратади. Демократияни фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлиги деб тушунадиган бўлсак, унда бу эркинликни қандайдир моделлаштириш йўли билан жорий этиш мумкин эмаслигини англаган ҳолда демократик ислоҳотларни оғишмай амалга ошириш талаб этилади.

Тўртинчидан, демократик жамият барпо этиш ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Унинг қарор топишида ғоявий жараёнлар ҳам катта ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда шаклланаётган демократик давлат, кучли жамият иқтисодий ва маънавий соҳадаги ислохотлар билан бир қаторда, сиёсий омилларга ҳам боғлиқдир. Сиёсий демократиянинг равнақи ва сиёсий тизимни демократлаштириш мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичининг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда сиёсий ҳаётни доимий, тизимли ва тадрижий равишда эркинлаштириб бориш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. «Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида, — деб таъкидлайди И. Каримов, — авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»<sup>1</sup>.

Бу хусусда Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларнинг кўлами қанчалар кенг экани барчамизга аён.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да кўрсатиб ўтган қуйидаги фактлар фикримизнинг истботидир:

**Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида-**

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 380-б.

**ги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.**

Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида юрти- мизда самарали, демократик сайлов тизимини шакл- лантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўрин- лидир.

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, «Сай- ловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутат- лари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга 2003 ва 2008 йиллар- да тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқич- ма-босқич либераллашувини, икки палатали парла- мент сайловларининг қонун талаблари ва умумэти- роф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонун- чилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик ор- ганларига сайловларнинг **фақат кўппартиявийлик асо- сида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди.** Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутат- лигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, ма- ҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса — сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли орган- лари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принци- пиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодлар- нинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлака- тимизда амалга оширилаётган демократик ўзгариш- ларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди.



Шу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тай-ёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашушга қаратилган ҳар қандай уришиш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланди. Ҳақиқатан ҳам ушбу Концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувиغا йўл қўймасдан ўтказилишини таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнади.

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мувофиқ, Президент сайлови, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вақтда қонун билан белгиланган ягона кунда — уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи якшанба куни ўтказилади.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожда 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палата-сидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, куйи палатадаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон эко-логик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жа-раёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иш-тирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иш-тирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишонч-ли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайти-рилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг «ваколатли вакили» деган янги институт киритилди, унга имзо варақала-рининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим янгилик — қонун ҳужжатларига сай-лов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг кири-тилишида ўз аксини топди.

Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтка-зишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов ку-нида овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чи-қишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий пар-

тиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охириги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. / Туркистон. — Тошкент, 2010, 13 ноябрь.

Ана шу демократлаштириш жараёнида қўлга кирилган энг муҳим ютуғимиз, бу аввало, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бўлиб, уни янада мустақамлаш ва ривожлантириш лозим. Буларнинг қай даражада амалга оширилиши, истиқболда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни теран англаб, тушуниб етишга ҳамда уларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларига, кучли маънавиятига ва миллий ғоянинг ижтимоий воқеликда намоён бўлишига бевосита боғлиқ.

## **ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШИДА СИЁСИЙ ТИЗИМНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистонда шаклланиб бораётган демократик жамият ҳар қандай кишилиқ жамияти сингари серқирра, мураккаб ижтимоий тизимдир. Зеро, тизимийлик жамиятнинг табиий ҳолати ва унинг мавжудлигининг зарур шартларидан биридир. Демократик жамият, макротизимий ҳодиса сифатида, ўз навбатида, сиёсий, маънавий-ахлоқий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимларнинг мажмуидан иборат бўлади.

Демак, сиёсий тизим демократик жамиятнинг муҳим атрибути сифатида қуйидагича таърифга эга бўлади. Сиёсий тизим бу — мамлакатимизда истиқомат қилувчи халқ иродасига мувофиқ сиёсий ҳокимиятни ҳаётга жорий этишга хизмат қилувчи сиёсий ташкилотлар, сиёсий нормалар, институтлар, ижтимоий жараёнларнинг мажмуидир. Мазкур таърифдан айтиш мумкинки, демократик жамиятда ушбу тизимни ташкил этувчи элементлар фақатгина сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни таъминлашдан ташқари, демократлашиб бораётган жамиятни оқилона бошқаришни ва сиёсий етакчининг тўлақонли раҳбарлигини таъминлайди. Чунки, сиёсий тизим кишилиқ жамиятининг ўзига хос соҳаси, муайян сиёсий ироданинг маҳсули сифатида вужудга келади ва ривожланади.

Демократик жамият — бу, аввало, ижтимоий-сиёсий тизимдир. Шу ўринда, қисқа қилиб айтиладиган бўлса, тарихда сиёсат тушунчасига давлат ҳокимияти ва давлат бошқармаларининг манфаатларини ифода этиб, мамлакатнинг ижтимоий тузуми ва иқтисодий структурасини акс эттирувчи фаолияти деб қаралган.

Ҳозирги замон демократик жамият қуриш жараёнида, сиёсат ўзида қуйидаги учта хусусиятни мужассам этади. Биринчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий масалаларни тушуниши ва уларни ҳал этиш усуллари. Иккинчидан, алоҳида олинган шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг вазият устидан назоратни қўлга киритиш ва уни сақлаб қолиш воситаси. Учинчидан, юқорида қайд этилганларнинг асосини ташкил этувчи тамойиллардир. Яъни, сиёсат — демократик жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини тартибга солиш, уйғунлаштириш асосида оқилона қарорлар қабул қила олиш қобилиятидир.

«Сиёсий тизим» тушунчаси Ўзбекистонда шаклланаётган демократик жамият ва кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнида қуйидаги йўналишларда намоён бўлади. Улардан биринчиси, «жамиятнинг сиёсий тизими давлат ва нодавлат ташкилотларнинг муаммосини ифодаловчи умумижтимоий тушунча бўлса, иккинчиси эса, сиёсий тизимга давлат идоралари ўртасидаги муносабатлар шаклини ифодаловчи тушунча сифатида»<sup>1</sup> ги ёндашувдир. Демократик жамият сиёсий тизимини ўрганишда структуравий-функционаллик тамойили мақсадга мувофиқдир. Жамият сиёсий тизимининг таркибий қисмларидан ҳокимият, давлат ва сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, сиёсий етакчи ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Аввало, тарихан қисқа бу давр давомида давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши

<sup>1</sup> Қаранг: *Мамадиев Ш.О.* Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими аҳволи ва такомиллаштириш муаммолари. — *Ғ. Ж.* — Т.: Ҳуқуқ. Право, 1999. 3-сон.

борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бунда, аввало, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистонда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш давом этмоқда. Бунда жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада изчилроқ ислоҳ этиш, хусусан, Конституцияда белгилаб берилган инсон манфаатлари, эркинлиги ва фаровонлигини тўла таъминлаш, парламентаризм ва кўппартиявийликнинг сиёсий ҳаётга тўлароқ жорий этилиши ғоят муҳим роль ўйнамоқда.

Иккинчидан, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда амалда ўзини тўла оқлаган сиёсий ислоҳотларни ҳам ўз ичига қамраб олган тараққиётнинг машҳур беш тамойили ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Учинчидан, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилишини янада чуқурроқ ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга оширишда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда демократик жамият шаклланиши жараёнида сиёсий маданият, сиёсий онг, миллий қадриятлар, сиёсий реаллик, сиёсий тафаккур муҳим роль ўйнаши билан бир қаторда, улар диалектик тамойиллар асосида шаклланаётган Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг инъикоси ҳамдир.

Демократик жамиятнинг сиёсий тизими ташкилий-норматив функциясининг моҳияти шундаки, у ҳуқуқ, сиёсий нормалар ва урф-одат, анъаналар, шарқона демократияга хос бўлган ахлоқ ва маданиятга оид қоидалар мажмуи эканлигидир.

Шу маънода, сиёсий онг шаклланишининг асосий воситаларидан бири сифатида, жамиятни йўналтирувчи ва кишиларни бирлаштирувчи, пировард натижада демократик жамиятнинг барқарорлигини, раванқини таъминловчи миллий ғоя жамият сиёсий тизимининг таркибий қисми десак, хато бўлмайди.

Шу ўринда, «мафкура сиёсат даражасига кўтарилиб, давлат мафкурасига айланиб қолмайдими?» — деган савол туғилиши табиий. Миллий ғоянинг давлат мафкурасига кўтарилмаслигининг асосий сабаблари шундаки, биринчидан, миллий ғоя ҳар бир шахс ва бутун жамиятга тегишлидир, иккинчидан, инсонпарварлик тамойили асосида умумбашарий тамойилларни ўзида акс этган ҳолда миллат тафаккури, руҳияти ва фикрлаш тарзи, қарашлар хилма-хиллиги ўзаро уйғунлашган ҳолатда, мамлакатимиз тараққиётида барқарорлик, хавфсизлик масалалари билан ҳамжиҳатликда туташган ҳолатда намоён бўлади.

Демократик жамият сиёсий тизимининг бундай кўриниши унга комплекс ёндошишни тақозо этади. Демак, сиёсий ва ҳуқуқий нормалар, сиёсий институтлар, сиёсий фаолият, сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий мафкуралар демократик жамиятнинг шаклланишини таъминловчи асосий элементлардир. Сиёсий ва ҳуқуқий нормалар деганда нима кўзда тутилади? Жаҳон демократик жамияти тажрибасидан маълумки, халқ томонидан қабул қилинган, сиёсий ва ҳуқуқий нормаларни ўзида акс эттирувчи асосий қонун Конституциядир. Ўзбекистонда демократик жамият қуришининг сиёсий ва ҳуқуқий нормаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон конституцияларини ўрганиб чиқиб яратилган мукамал қонундир. Бундан ташқари, демократик тизим сиёсий ва ҳуқуқий нормаларига низомлар, партиялар фаолияти билан боғлиқ бўлган турли ҳужжатларда белгилаб қўйилган қоидалар бўлиб, улар жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солади ва уларни ривожлан-

тириш учун имкониятлар яратиб беради. Сиёсий институтлар деганда, биз, аввало, сиёсий ва давлат ташкилотлари, улар ўртасидаги муносабатлар, турли тузилмалар ҳамда муассасаларнинг мажмуини тушунамиз. Сиёсий институтлар демократик жамият ривожланишида муҳим роль ўйнаши билан бирга, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини, сиёсий ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди, уларнинг фаолиятини демократик тамойиллар ва ҳуқуқий нормалар доирасида бўлишини таъминловчи омиллардан бири вазифасини ўтайди.

Демократик жамият барпо этишда кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни сиёсий фаоллик билан боғлиқ бўлади. Кишиларнинг сиёсий фаоллигисиз кучли демократик жамият қуриб бўлмайди. Сиёсий фаолиятни икки йўналишда амалга ошириш мумкин, яъни актив ва пассив шаклларда. Демократик жамият шаклланишида, шубҳасиз, фуқаролар сиёсий фаолиятининг активлиги, уларнинг, демократик ислохотларга содиқлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, сиёсий фаолият, аввало, жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш тизимини муҳофаза этиш, уларни такомиллаштириш ҳамда функционал жиҳатдан, агар бу фаолият давлатда қабул қилинган ҳуқуқий нормалар асосида бўлса, уни ҳар томонлама таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Ўзбекистонда кучли жамият барпо этишда ғоявий, мафкуравий-маънавий жараёнлар муҳим роль ўйнаши, ўз навбатида, фуқароларнинг фақатгина сиёсий фаолияти билан эмас, балки у билан узвий ўзаро алоқадорликда бўлган сиёсий тафаккур, сиёсий онг тушунчалари билан ҳам боғлиқдир. Ҳозирги замон демократик жамияти сиёсий тафаккурсиз мавжуд бўла олмайди. Сиёсий тафаккурнинг шаклланиши сиёсий тарбия билан ҳам боғлиқ бўлади.

Сиёсий тафаккур жамиятдаги мавжуд сиёсий муносабатлар, назариялар ва таълимотларни ўзида ифодаловчи сиёсий онгнинг ўзига хос шакли. Сиёсий онг



эса, аввало, ижтимоий онгнинг бир тури бўлиб, у сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмларини акс эттиришда ва кишиларнинг сиёсий муносабатлари, хулқ-атворида намоён бўлади.

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан, айниқса, фалсафа, ҳуқуқ, дин, ахлоқ, маданият билан узвий боғлиқ бўлади. Сиёсий онгни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: а) индивидуал сиёсий онг ва, б) ижтимоийлашган сиёсий онг. Демократик жамиятда индивидуал сиёсий онг ижтимоий онг билан уйғунлашади ва айни пайтда ўзига хос индивидуалнинг бетакрор хусусиятлари ҳам сақланиб қолади. Сиёсий онг — сиёсий назариялар, дастурлар ва ижтимоий-фалсафий таълимотлар асосида шаклланибгина қолмай, балки кишиларнинг сиёсат ҳақидаги кундалик қарашлари, тасаввурлари ва миллий урфодат, анъаналар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бинобарин, сиёсий онг шаклланишида ижтимоий онгнинг фақатгина назарий эмас, балки эмпирик босқичи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий фаоллик кишиларнинг сиёсий онги, тафаккури ва дунёқарашига боғлиқ бўлиши билан бирга, айни пайтда у жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва дунёқарашининг ривожланишини ҳам таъминлайди. Юқорида қайд этилганларнинг барчаси кучли ижтимоий жамиятни ташкил этишда янгича демократик тамойилларга асосланган сиёсий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди. Маълум маънода, сиёсий маданият демократик жамият шаклланишида асосий функцияни бажарувчи сиёсий тизимнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун халқ сиёсий маданиятини сиёсий онг ва сиёсий фаолиятнинг бирлигини ифодалайдиган ижтимоий-фалсафий категория, десак, хато бўлмайди. Сиёсий маданиятда шахс, ижтимоий гуруҳлар ёки бир бутун жамиятнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга, мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатлари ҳам акс этади.

Демократик жамият қуриш жараёнида кучли жамиятни ташкил этиш юксак сиёсий маданиятсиз, фуқароларнинг сиёсий фаоллигисиз юзага келмайди, шунинг учун ҳам жамият сиёсий маданияти шахс сиёсий маданияти каби билиш, баҳолаш, хулқ-атвор ва сиёсий фаолиятида намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, тизимости бўлакларга бўлинади. Масалан, сиёсий маданиятнинг ижтимоий-гносеологик функцияси ўзида сиёсий билимлар, сиёсий тафаккур, сиёсий ҳушёрлик, сиёсий хабардорлик сиёсий онглик ва бошқа элементларни мужассам этади. Ўз навбатида, демократик жамият сиёсий маданиятининг бошқа бир функциясини баҳолаш эса, сиёсий мулоҳазалар, сиёсий қадриятлар, сиёсий нормалардан ташкил топади. Хулқ-атвор, сиёсий маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида, аксарият ҳолларда шахс сиёсий маданияти билан боғлиқ бўлади. Биз биламизки, демократик жамиятнинг юксак сиёсий маданиятини шахс сиёсий маданиятисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик, ижтимоий-сиёсий жараёнлар асосида амалга ошириладиган сиёсий фаоллик шахс сиёсий маданиятнинг хулқ-атвор билан боғлиқ жиҳатига тегишлидир. Буларнинг барчаси фуқароларда сиёсий эътиқоднинг шаклланишини таъминлайди. Сиёсий маданият демократик жамиятда хилма-хил шакл ва жиҳатларда намоён бўлади. К.С. Гаджиевнинг фикрича, сиёсий маданият — сиёсий ҳамжамият субъектларининг кўпчилиги томонидан эътироф этилган норматив қадриятлар тизимидир<sup>1</sup>.

Сиёсий маданиятни қадриятлар тизими сифатида тушунишни муайян илмий аҳамиятга молик бўлган ёндашув, дейиш мумкин. Аммо, «нормативлаштириш»га уриниш, бизнингча, сиёсий маданиятнинг демокра-

<sup>1</sup> Қаранг: К.С. Гаджиев. Политическая наука. — М.: Наука, 1995. — С. 338.

тик жамият барпо этишдаги аҳамиятини, унинг моҳиятини бир ёқлама тушунишга олиб келади. Демократик жамият сиёсий маданияти фақатгина демократик қадриятлар тизимигина бўлиб қолмай, балки умуман маънавий қадриятлар тизими, деб ёндошиш тўғрироқ бўлади. Бинобарин, мазкур жараёнда миллий мафкура маънавий қадриятларнинг асосий негизини ташкил этади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган демократик ислохотлар негизини ташкил этувчи мафкуравий, ғоявий ва маърифий омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, миллий ғоя демократик тамойиллар асосида шаклланаётган миллий тараққиётимиз қонуниятларига ва манфаатлар уйғунлигига мос келиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш омили сифатида инсон онгини бошқаришга қаратилган эмас, аксинча, уни бунёдкор ғоялар сари йўналтира оладиган олий қадриятдир. Шу билан бирга, миллий ғоя олий қадрият сифатида инсон, миллат, халқ, мамлакат шаъни, унинг қадр-қимматини, қолаверса, миллий ўзлигини ҳурмат қилишга таянган ҳолда, дунё ҳамжамияти ривожланиши талабларига жавоб беради.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кучли ижтимоий сиёсат, қонун устуворлиги мавжуд бўлмаган давлат кучли фуқаровий давлат бўла олмайди. Зеро, «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт»<sup>1</sup>.

Республикамизда кейинги йилларда демократик фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 10-б.

ечими ҳамда демократик жамият барпо этишнинг асоси экани намоён бўлмоқда. Бинобарин, «Фуқаролик жамияти — яккаҳоқимлик режимига, ўзбошимчиликка, синфий нафратга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонликка ўрин бўлмаган, қонун, ҳуқуқ, ахлоқ, инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ҳурмат қиладиган ҳамда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларининг ҳақиқий ҳимояси таянадиган эркин, демократик ва ҳуқуқий цивилизациялашган жамиятдир»<sup>1</sup>.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак».

Айни пайтда, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни диалектик жараён бўлиб, эволюцион тарзда кечади. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократик тамойиллар асосида амалга ошади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти тамойилларининг ижтимоий амалиётдаги бирлиги сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Президент И.Каримов демократик ўзгаришларнинг янги йўналишларига ўтиш даврини қуйидагича талқин этади: «Ҳақиқатан ҳам демократия — фақат назария ва сиёсий жараён бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва

---

<sup>1</sup> Мирҳамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. —Т.: Университет, 2003. 185-б.

унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия гоёларини баён қилиш мумкин, сиёсатда демократияни юқоридан тушириш мумкин. Лекин бу билан демократия сиз-у бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса, бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди»<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятининг асосий вазифаларидан бири бу — тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаб олиш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади. Ана шундай давлат кучли давлат бўла олади ва демократик жамиятни шакллантириш, демократик қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш жамиятимиз ривожланишининг бош концепцияси ва миллий равнақимиз асоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда кучли давлат заминиди шаклланаётган демократик фуқаролик жамиятининг асосий мақсадларидан бири, аввало, шахслараро, миллатлараро, жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат.

Демократик жамият ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига тўла-тўқис шароитлар яратиб беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишида ёрдам беради. Айни пайтда, жамият аъзоларининг турли шароитларда ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда демократик жамиятни ривожлантириш, ижти-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 185-б.

мой-сиёсий барқарорликни таъминлаш қўйидаги омилларга боғлиқ:

Биринчидан, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнида сиёсий тафаккурнинг шаклланиши тадрижий характерга эга бўлиб, давлат тизимини барча йўналишларида қонун устуворлиги тамойили асосида фаолият юритишини таъминлаш.

Иккинчидан, минтақада миллатлараро муносабатларда тинчлик ва тотувликни таъминлаш.

Учинчидан, сиёсий ислохотларни халқчил асосда чуқурлаштириш.

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш.

Юқорида қайд этилганларнинг қай даражада амалга ошиши, иқтисодий, маънавий-мафкуравий омиллар билан бирга сиёсий тизимнинг такомиллашуви билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида, «Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб биледи»,<sup>1</sup> — деб таъкидлайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 71-б.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнларда миллий ғоянинг салоҳияти ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни ва аҳамиятини, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш юртимизда шаклланаётган демократик жамиятнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва тамойилларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ йўллари белгилаш имконини беради.

Демократик жамиятни барпо этиш, ўз навбатида, ижтимоий борлиқнинг, яъни мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларни моддий ва маданий ҳаёт, кишилар фаолиятининг инъикоси тарзида ўзига хос шаклланиш босқичларидан ўтади. Бу жараёнда ижтимоий онгнинг психологик ва идеологик шакллари уйғунлиги, уларнинг моҳияти ва мазмунидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларининг руҳияти, ижтимоий турмуш тарзи янгиланади, ўтмишда мавжуд барча ижтимоий тизимлардан фарқ қилувчи ўзгача бир моддий ва маънавий, сиёсий, ҳуқуқий қарашлар тизими шаклланади.

Шаклланаётган шарқона демократик жамият кишиларнинг онгидаги ўзгаришларнинг асосий мезони ва кўрсаткичига айлангандагина ўзининг асосий ижтимоий функцияларини бажара олиши мумкин. Бунда бир томондан, миллий ғоянинг умумий қарашлар, ҳулосалар тарзида намоён бўлиши жараёни босқичларидан ўтиши, иккинчи томондан, демократик жамиятнинг барча соҳаларида фаолият юргизаётган шахслар ғоявий камолот даражаларига эга бўлиши зарур бўлади.

Ўзбекистоннинг умумий ва ягона Ватан эканлигини тушуниш, давлат тилини ўрганиш, ҳурмат қилиш ҳиссининг уйғунлиги, истиқлолга содиқлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қў-

шишига интилиш кабиларнинг моҳияти ва мазмуни-ни ташкил этадиган жиҳатларини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, унда кишиларнинг маданий-миллий меросни асраб-авайлаш, жамиятнинг маданий-иқтисодий камолотига интилиш, миллатпарастлик ва миллатчиликка қарши кураш, этник муносабатларда умуминсонийликнинг устуворлиги каби туйғу ва мақсадлар ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундан ташқари, миллий манфаатлар, эҳтиёжларнинг умумий мақсадларга бўйсундирилганлиги, миллий ғурур, миллий ўзликни англаш жараёнларининг мамлакатнинг пировард мақсадларга хизмат қилишга йўналтирилганлиги, сиёсий институтлар, партиялар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги, диний қавмларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш ҳам демократик жамиятни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда янги жамият барпо этиш, бозор муносабатларини шакллантириш ва жаҳонда кечаётган глобаллашув шароитида ёшларнинг маданий-эстетик дунёқарашини шакллантиришда аниқ илмий-назарий ва методологик асосларга таяниш долзарб муаммога айланди. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, ёшлар онгига мафкуравий, ғоявий ва информация хуружлар давом этмоқда. Бу — ахборот тарқатиш, кино ва санъат намуналарини тақдим қилиш каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Иккинчидан, жамиятимизда демократик қадриятларнинг таркиб топиши ёшларнинг тўғри, асосли ва манфаатли маълумотларни олиши лозимлигини кўрсатмоқда. Учинчидан, ёшларнинг маданий-эстетик дунёқараши миллий ғоя ва мафкурага асосан шакллантирилиши ҳаёт-мамот масаласига айланди.

«Жамиятда мустақил фикрловчи, ҳурфикр, талабчан, дидли, маънавияти юксак одамлар қанча кўп бўлса, оммавий маданиятнинг бозори шунча касод бўлади. Ақлли, талабчан, фаҳм-фаросатли одамлар ўзлари истеъмол қиладиган, киядиган, эшитадиган,



кўрадиган, ўқийдиган нарсаларга юксак талаб қўядилар»<sup>1</sup>. Тошқин бўлиб босиб келаётган «оммавий маданият»нинг таркибида бизга қисман маъқуллари билан бирга, асосан, менталитетимизга мос келмайдиган, маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатадиган нарсалар ҳам кам эмас. Улар саёз бўлгани учун билиб олиш, эгаллаш ёшлардан унчалик катта куч ва салоҳият талаб этмайди. Хориждан келаётган ахборотларга ўчлик ва унга ҳақиқат деб ишониш мустабид тузум даврида четдан бирорта ҳам холис ахборотнинг ичкарига киритилмагани туфайли пайдо бўлган салбий бир «анъана»дир. Ана ўша пайтларда четдан кириб келган ҳар қандай ахборот коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган жамият учун гўё бомба эди. Уни эшитганларга нисбатан жазо чоралари қўлланарди. Тақиқланган нарса ширин бўлади, деган ақиданинг ҳозир ҳам яшаб келаётгани шундан. Ҳозир тақиқланмаган, лекин хориж ахборотларига қизиқиш ва уларни ягона ҳақиқат деб қабул қилиш давом этаётир. АҚШнинг таниқли олими Бжезинский бир асарида собиқ шўро тузумининг инқирози ҳақида: «Совет иттифоқини жинси шим ва поп мусиқа таназзулга олиб келди», деб ёзган эди. Чунки Фарб маданияти ёшларни «яшаб қол, дунё ўткинчи» деган ақида, бизга мутлақо ёт ғоя асосида тарбиялашни назарда тутди. Ортиқча шавқ-завқ ва доимий бақир-чақир мусиқалар, енгил-елпикийинишлар ёшлар диққатини ҳаётнинг асосий муаммоларидан чалғитади ва огоҳлигига, ҳушёрлигига путур етказди. «Оммавий маданият»нинг асл мақсадини тушунмаган баъзи ёшлар эса бу ўлжага ташланади ва қадриятларини секин-аста унута боради.

Салгина саъй-ҳаракат билан танилиб ёки машҳур бўлиб кетиш мумкин экан, деган фикр уларни юпатади. Шунинг учун ҳам, айниқса санъатда, баъзи бир

---

<sup>1</sup> Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. — Т.: «Академия». 2008. 7-б.

ёшларнинг ўзлари шоир, созанда, хонанда ва ҳоказо ролларни эгаллаб олиб, маданият, санъат майдонига кириб келмоқдалар ва тез орада «юлдуз»лик касалига чалиниб қолмоқдалар. Шунингдек, Ғарб маданиятини устун деб билган ёшлар ҳам, асосан, шу касалликка чалинмоқдалар.

Миллий қадриятларимиз илдизлари минг йиллаб тарих қаърига сингиб кетганини тан олган, ўз тарихини яхши билган ёшлар эса Ғарб маданиятидан ўз маданиятимизни, қадриятларимизни ажаратишни билдилар.

Кўпчилик ёшларда маданиятни, қадриятни қиёслаш қобилияти йўқ. Андозани эса кўпроқ Ғарбдан олишга интиладилар. Натижада у ердан нима беришса, шунга сажда қилиш, ғарб менталитетига ружу қўйиш бошланади. Бундай ёшларда миллий маданиятга, санъатга ва бошқа қадриятларга беписанд қараш аломатлари намоён бўлади. Кибрланиш, ўзимизники ёмон, паст ва жўн, лекин Ғарбники зўр, ҳаммабоп ва осон ўзлашадиган, дея секин-аста ўшалар домига, мафкуравий таъсирга тушаётганини билмай қоладилар. Чунки ҳозирги пайтда ўқ отиш йўли билан эмас, балки дунёқарашга таъсир ўтказиш, босиб олиш йўли билан жаҳон уруши бормоқда. Бу эса қадриятлар, маданиятлар тўқнашуви ва синовидир. Қайси халқнинг маънавий илдизлари чуқур ва теран бўлса, ўша халқ тарихий ғалабани қўлга киритиши шубҳасиз. Бу кураш асосан ёшларимизнинг юракларидан, дунёқарашларидан, ўқиётган китобларидан ва кўраётган кинофильмлари орқали кириб келмоқда. Ана шундай таҳдидларга қарши курашда миллий ғоянинг ҳужумкорлик ролини ошириш лозим бўлади. Миллий ғоя тамойиллари воситасида комил инсонни тарбиялашнинг ўзига хос усул ва услублари борки, уларни аниқ тасаввур қилиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш самарали бўлиши шубҳасиз.

Албатта, демократик жамият қуриш амалиёти ва назариясини биз таҳлил қилаётган кўринишлар билан

чегаралаб бўлмайди. Чунки, ижтимоий воқеликнинг турли шароитларига мос равишда демократик жамият қуришнинг асосини ташкил этувчи жиҳатларининг у ёки бу шакли ўз моҳиятини, аҳамиятини кўпроқ намоён қилиши мумкин. Бу ўринда демократиянинг инсонпарварлигига эришиш олий мақсад ҳисобланади. Агар у инсон қалбидаги эзгу ниятларни амалга оширишга хизмат қилмас экан, қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади. Шу билан бирга унда халқнинг иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этади. «Бинобарин, биз ўз истагимиздаги демократияга қандай мазмун бахш этмайлик; — деб таъкидлайди Ислом Каримов, — агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир ёки ҳеч нарсани англатмайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади»<sup>1</sup>.

Таъкидлаганимиздек, мамлакатимизнинг тадрижий ривожланиши йўлидаги ўзига хос бўлган демократик жамият қуриш йўналишида янги-янги тадқиқотлар олиб бориш, унинг тараққиётини жадаллаштириш асосий зарурият даражасида қолмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш тамойиллари ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислохотлар билан ҳамоҳанг уйғунлиги, кишилар онгида ижтимоий ўзгаришларнинг объектив инъикоси тарзида вужудга келиши, аҳолининг мутлақ кўпчилиги учун зарурий иқтисодий, маънавий эҳтиёжга айланиши, ижтимоий онг, яъни психологик ва мафкуравий туйғуларнинг уйғунлиги сифатида намоён бўлади.

Давлат ва халқ қаршисида кўндаланг бўлиб қолган муаммоларнинг ечимларини ўзида акс эттиради ҳамда уларни ҳал этиш учун жамият аъзоларини бирлаштиришга хизмат қилади. Мустақилликни мустаҳкамлаш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Демократик институтларни ва фуқаролик жамиятини шакллантириш. —Т.: «Ўзбекистон», 1998. 180-б.

ва ижтимоий барқарорликнинг муттасиллиги ҳамда давомийлигини таъминлаш учун жамиятнинг барча қатламларини умумманфаат йўлида жипслаштиради. Фуқароларнинг ҳамкорлигини янги даражага кўтариш омилига айланади ҳамда миллий-этник бирликлар ва диний қавмларнинг сиёсий ҳаётда муайян партия вакили тарзида эмас, балки мамлакатнинг Конституциясида белгилаб қўйилган тенглик тамойили асосида, фуқаро сифатида иштирок этиши учун маънавий шарт-шароитларнинг вужудга келишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш тамойиллари давлат, мамлакат ҳамда фуқароларни келажакка даъват қиладиган маънавий эҳтиёж, тараққиётга ундайдиган омиллардан бири тарзида юзага келади, кишиларни бошқариш вазифасини бажараётган сиёсий партиялар, раҳбар шахслар ақл-заковати ҳамда салоҳиятини ўзида ифодалайди. Шу билан бирга, Республикамизнинг турли минтақаларида яшайдиган аҳоли ўртасида маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик каби субъектив ҳиссиётларнинг устувор бўлиб кетмаслигига, хилма-хил интилиш ҳамда ҳаракатларни умумхалқ ва ягона ватан манфаатлари йўлида уйғунлаштиришга имкон яратади.

Демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш объектив зарурият ва олий мақсадимиз бўлиб, бу жараён узоқ давом этадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Мустабид тузум асоратларидан қутилишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини бериб, демократик ислоҳотлар самарасидан фойдаланиш кенг тус олаётган бугунги кунда, демократик жамият сиёсий тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу жараённи шошма-шошарлик билан эмас, босқичма-босқич тадрижий равишда амалга ошириш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мазкур жараёнда «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаат-

ларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»<sup>1</sup>, дейилиши бу масаланинг демократик ислоҳотлар жараёнида нақадар муҳим эканлигидан далолатдир.

Юртимизда демократик ислоҳотларнинг қай даражада амалга ошаётганлиги Президент Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» Концепциясида ўз ифодасини топди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилганди.

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2006. 4-б.

Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якунлари ва шу асосда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата — Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи — Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш керакки, миллий парламентимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-

ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди», деган қоида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ, эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Мазкур демократик ислохотларни амалга ошириш мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилига амал қилинаётганининг бир кўринишидир. «Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, — деб таъкидлайди И. Каримов, — аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ри-

вожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз»<sup>1</sup>. Чинакам демократик ҳуқуқий давлат, юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги икки таркибий қисмдан иборат: давлат ҳокимияти органлари бошқаруви ва фуқароларнинг туб манфаатларини ўзида ифодалаган мустақил сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан иборат нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти демократик ислоҳотларнинг боришида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Демократик ислоҳотларнинг реал ва самарали кечишини таъминловчи турли ижтимоий оқилларнинг босқичма-босқич ҳаракатланишини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Ижтимоий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, демократик жараёнларнинг фундаментал ижтимоий негизга эга бўлиши бу жараённинг легитимлашуви билан ҳам боғлиқдир. Ана шундай демократик жамиятнинг ижтимоий асосларидан бири, бу — сиёсий институтлар, ташкилотлардир. Айни пайтда, «демократияни сиёсий институтлар даражасидагина татбиқ этишга интилсак, бош мақсадга эришиш амримаҳолдир»<sup>2</sup>.

Фикримизча, демократик жамият шаклланиши жараёнида сиёсий партияларнинг жаҳонда юзага келган ҳозирги замон сиёсий жараёнларида аҳамияти ошиб бориши билан характерланади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар бошқа ижтимоий институтлар сингари демократик жамият ҳақидаги тасаввурларни фуқаролар онгига сингдиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий онгини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳам муҳим

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон мафаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2006. 70—71-б.

<sup>2</sup> Идиоров У. Демократик жараёнларнинг янги уфқлари. Ж.. Жамият ва бошқарув. — Т.: 2002. 4-сон. 19-б.



вазифаларни бажаради. Маълумки, юксак сиёсий маданиятсиз демократик жамият барпо этиб бўлмайди. Бу жараёнда, кишиларимиз онгида, умуман ижтимоий тараққиётда маданий ўзгаришларни режали амалга ошириш ўта муҳим. «Маданий ўзгаришлар муайян ғоя, жумладан мақсад ва режаларсиз бўлиши мумкин эмас»<sup>1</sup>. Демократик сиёсий тизим шароитида ҳокимият учун кураш ижтимоий фикр, ижтимоий онг учун кураш демакдир. Бинобарин, ижтимоий институтлар каби сиёсий партиялар ижтимоий фикрни тизимли ўрганиш, таҳлил этиш ва уни демократик ислоҳотлар йўналишида шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишлари зарур бўлади. Лекин, жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг ролини тўғри тушунмоқ керак. Уларнинг баъзи бирлари, ўзларининг дастурида жамоатчилик фикрини турли усуллар билан, айниқса, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўзларининг мақсадларига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Маълумки, бундай саъй-ҳаракатлар ҳар доим ҳам фуқаролар манфаатларига мос келавермайди. Бундай мисолларни жамият тарихида кўплаб учратиш мумкин. Демократик давлат барпо этишда бундай ҳаракатлар аксарият ҳолларда салбий роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ тадбирларнинг самарадорлигини оширишга эътибор қаратиш, фуқароларнинг ўз манфаатларини англаш, сиёсий танловни демократик тамойиллар асосида ҳал этишга кўмаклашиш лозим. Сиёсий партиялар, сиёсий тизимнинг бошқа барча таркибий элементлари билан ҳамкорликда фаолият юргизиши ҳозирги замон сиёсий амалиётининг алоҳида услубларидандир. Ана шундай усуллардан бири давлат ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатлардир. Бундай боғлиқлик фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, жа-

<sup>1</sup> *Рустамбоев М., Абдухолиқов С. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2 китоб. — Т.: ТДЮИ, 2005. 54-б.*

миятни барқарорлаштиради, унинг олдида турган муҳим вазифаларни тўла бажариш имконини яратади. Ижтимоий ҳаётда сиёсий популизм ва бошбошдоқликка чек қўйилади. Сиёсий партияларни демократик жамиятнинг том маънодаги сиёсий мактабига айлантириш ҳозирги даврда мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар учун муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар жамият сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши демократик тараққиётнинг муҳим белгиларидан бири. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш борасида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши ҳақида мамлакат Президенти Ислом Каримов қуйидаги фикрни билдиради: «Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ, ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз маъсулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур»<sup>1</sup>.

Ана шундай вазифаларни амалга оширишда миллий мафкура жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида, «Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 173—174-б.

миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш. Бу жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиб яшаш тамойилини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш»<sup>1</sup> маса-лаларини ҳал этишда муҳим омил сифатида катта аҳа-миятга эга.

Жамиятда олиб борилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг асосий мақсади бўлган демократик давлат, ҳуқуқий жамият қонуннинг устуворлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунга кўра, халқимиз ва мамлакатимизнинг бугунги ва келгуси тараққиётини таъминлашда мустақиллик йиллари шаклланиб, ривожланаётган миллий ғоя муҳим ўрин тутди.

Миллий ғоя тамойиллари демократик жамият қуриш тамойиллари билан уйғунликда мамлакатнинг ички ҳаётини бошқаришнинг асосий мезонларидан бири бўлиш билан бирга, ташқи сиёсатда давлатнинг салоҳиятини кўрсатадиган, унинг жаҳон ҳамжамияти ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини намоён қиладиган маънавий қадрият мезонларини, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг имкониятлари, умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш истиқболлари қай тарзда амалиётга айланаётганлигини билдирадиган омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Албатта, бу тамойиллар, ўз навбатида, хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлади. Ижтимоий жараёнларнинг талаби ва йўналишига кўра, уларнинг бири муайян муддатга ўз аҳамиятини яққолроқ намоён қилиши ҳам мумкин. Аммо, уларнинг уйғунлиги, уйғонишлар жараёнидаги серқирралигини умумлаштириш эҳтиёжи доимо сақланиб қолади.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. 29-б.

жамиятнинг ривожлана олмаслигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий зарурият сифатида юзага келган миллий ғояда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадлар акс этган.

Бу эса, келажакни яққол тасаввур этиш, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий мафкурани шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди. Мустақилликка эришиши билан республикамиздаги собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги йилларида бўлиниб кетган ижтимоий кучлар, гуруҳлар, этник ва бошқа бирликларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш зарурияти пайдо бўлди. Чунки масала фақатгина мустақилликка эришишдан иборат эмас эди. Бунда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида туб ислоҳотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим вазифа ҳамда давр эҳтиёжига айланди.

Ана шу сабабдан ҳам Ўзбекистон мустақиллик эълон қилинганининг энг бошиданоқ ижтимоий масалаларни қамраб олувчи чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни ўз олдига қўйди, бу эса жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, таъкидлаб ўтганимиздек, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштириб, мамлакат фуқароларининг ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашига, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги йилларда ўзига хос шарқона демократик жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Ана шундай йўналишлардан бири комил инсонни тарбиялаш, унинг маънавий-маърифий ва ахлоқий фазилатларини шакллантиришдир. Зеро, етук шахслар, комил инсон мамлакатимизда шаклланаётган демократик жамиятнинг такомилли демакдир. Бунинг учун эса, ёш авлод қалби ва онгига она юртига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа ана шу юксак тушунчалар билан бирга **миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг** маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, биз фуқаролар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.<sup>1</sup>»

Демак, Ўзбекистонда юзага келган демократик жараёнлар, халқаро мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда юртдошларимизнинг мазкур жараёнга масъулият билан онгли муносабатини шакллантириш, тинч-осойишта кечаётган демократик ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган ва унга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш давр тақозосидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008. 75-бет.

Маълумки, собиқ шўролар тузуми парчаланиб кетганидан кейин Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган, маънавий муҳитда муайян қийинчиликлар пайдо бўлиб турган дастлабки кезларда, жамиятимиз тараққиётини бундан кейин ҳар қандай мафкурадан бутунлай ҳоли қилган ҳолда давом эттиришни тарғиб-ташвиқ қилувчилар ҳам пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу масалага ойдинлик киритди. Юртбошимиз Олий Кенгашнинг 1993 йил 6 мартдаги ўн иккинчи сессиясидаги нутқида мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келганини, миллий мафкура ҳозирча йўқлигини, уни яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишни олдимизда турган энг муҳим масала эканлигини алоҳида таъкидлади.

Миллий мафкуранинг, маънавий-маърифий қадриятларнинг жамият ва халқ ҳаётида тутган ўрни беқиёс эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида давлатимиз раҳбари шундай дейди: «Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди»<sup>1</sup>.

Мустақилликни қўлга киритган мамлакатимиз халқи ва миллатида озод тафаккур шаклланиши, сиёсий маданиятнинг ўсиши учун, энг аввало, миллий онг ривожланган бўлиши керак. Миллий онг — миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. У миллий маданият ривожланишининг чўққиси бўлиб, шахснинг ўз-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: «Ўзбекистон», 1995. 95-б.

ўзини англаши билан боғлиқ бўлади. «Шахс миллий ўзлигини англашида руҳий, мафкуравий жиҳатлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Лекин, бу шахс миллий ўзлигини англаши ботиний қонуниятларнинг моҳиятини тўла оча олмайди. Бу қонунларнинг моҳиятини тўла тушуниб етиш учун муаммонинг маънавий-маърифий жиҳатларига ҳам эътиборни қаратиш керак! Ана шундагина шахс миллий ўзлигини англашнинг ботиний қонуниятлари ҳақида муфассалроқ тасаввур ҳосил бўлади»<sup>1</sup>.

Шу маънода, миллий ғоянинг зиммасида турган асосий мақсад ва вазифалардан бири халқнинг миллий онги, сиёсий маданиятини юксалтириш, кишиларда миллий ғурурни ўстириш, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш сингари мустақиллигимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳам киради. Биз миллий ғоянинг шу соҳа мутахассислари, файласуфлар ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган мақсад ва вазифалари, тамойиллари ҳақида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз, бевосита ишимиз билан боғлиқ бўлган миллий ғояни ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг омили сифатида таҳлил қилишда унинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш заруриятини кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври янги жамиятни барпо этиш жараёнида, энг аввало, ғояларнинг бунёдкор ижобий салоҳиятини, уларнинг ҳақиқий ҳаётбахшлигини англаб олиш лозимлигини кўрсатди.

Миллий ғоя ҳақида гап борар экан, ишимизнинг моҳияти «миллий ғоя» ва «миллий истиқлол ғояси» тушунчаларига аниқлик киритиш заруриятини кўрсатади. «Миллий ғоя ҳар бир даврда аниқ бир мазмун касб этади. Хусусан, миллий истиқлол ғоясини миллий ғоянинг мустақилликни қўлга киритиш ва мустақамлаш даври ўзига хосликларини яхлит тарзда ха-

---

<sup>1</sup> Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонуниятлари. — Самарқанд, 1995. 88—89-б.

рактёрлайдиган хусусий ҳолати, кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, «миллий ғоя» «миллий истиқлол ғоя»сига нисбатан кенгроқ мазмунга эгадир. Зеро, миллий истиқлол ғояси миллий ривожланишнинг муайян босқичигагина хос бўлган қарашлар тизимини ифодалайди»<sup>1</sup>.

Шу маънода, миллий истиқлол ғояси мустақилликка эришилгандан сўнг ўзига хос характер касб этиб, асосан мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда, демократик жамият қуриш учун унинг ижтимоий-иқтисодий заминларини яратиш, истиқлолнинг моҳиятини фаол тарзда ижтимоий онгга сингдириш, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англашга ёрдам бериш, ҳар томонлама ривожлантириш, истибод даврида юзага келган иллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан сиқиб чиқариш, шунингдек, мустақиллик, озодлик, тенг ҳуқуқлилиқ туйғуларини сингдириш каби аниқ вазифаларни ўзига қамраб олади<sup>2</sup>.

Демак, миллий истиқлол ғояси моҳиятан миллий ғояга хос бўлиб, унинг бирламчи дастури сифатида намоён бўлади.

Бирор-бир ғоянинг таъсирчанлигига баҳо берилар экан, унинг мамлакатимиз мустақил тараққиётининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, халқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланишига хизмат қила олиши, бош мезон бўла олиши зарур. Шу маънода, миллий ғоя нафақат маънавий ҳаёт, балки моддий ҳаётнинг ўзгариши билан боғлиқ жараёнларни ўзига қамраб олган ҳолда инсон онги ва фаолиятида ниҳоятда муҳим ўрин тутади ва у замонавий тараққиёт эҳтиёжларига, тарихий заруриятга мос келмайди-

<sup>1</sup> *Очидиев А.* Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. — Т.: «Ўзбекистон», 2004. 15-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 15—17-б.



ган ақидапарастликдан, вайронкор ғоялар тазйиқидан ҳимоя қилиш имконини очиб берувчи омил ҳамдир.

Бу эса, ўз навбатида, инсонпарварлик мезонларига хос бўлиб, миллий ва умуминсоний характерга эга. «Айни пайтда инсонпарварлик — давлат сиёсатида-ми, адабиёт ва санъат, илм-фан ёки диний маърифатдами, ундан қатъи назар, уларнинг кишиларда асл инсонийликни, эркин тафаккур ва онгли фуқаровийликни шакллантиришга хизмат қилади. Бу туйғу инсонда эзгуликка садоқат, ҳаётий ташналикни ошириш, бахт-саодатга, юксак идеалларга интилиб яшашга ўрганиш ва одамнинг бу интилишида уни маънан қўллаб-қувватлаш тарзида намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Миллий ғояни демократик жамият қуриш омили сифатида таҳлил қилар эканмиз, бунда энг аввало, ҳуқуқий демократияга, яъни қонунларга бўйсуниб, уларга амал қилиш, уларни ҳурмат қилиш ва шахс онгини шунга йўналтириш назарда тутилади. Миллий ғоянинг вазифаларини ойдинлаштиришда ҳуқуқий масалага яна бир бор тўхталиб ўтишимиз лозимлиги зарурият сифатида юзага келмоқда.

Республикамызда кейинги йилларда ўнлаб ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимояловчи, халқимизнинг ҳуқуқий савиясини оширишга хизмат қилувчи қонун ва фармойишлар қабул қилинди, лекин уларни амалга ошириш етарли даражада эмас.

Уларнинг сабаблари қидирилганда яна ўша собиқ шўролар тузуми даври иллатлари кўзга ташланади. Йиллар давомида қонунларни четлаб ўтиш, ўзига нисбатан «паст» деб қаралган миллатларни камситиш, уларнинг зиёлиларини қатағон қилиш, миллий, диний урф-одатларини ҳурмат қилмаслик, қонунларни ўзлари хоҳлаган томонга буриб олиш ҳоллари халқимизда йиллар давомида қонунларга бўлган ишончсизликни шакллантирди.

<sup>1</sup> Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият. — Т.: «Ўзбекистон», 1992. 26-б.

Таъкидлаш лозимки, фақат ҳуқуқни ёки қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик жамиятни тарғиб қилиш билан кўзланган мақсадга етиш амри-маҳол. Шу ўринда айтиш мумкинки, миллий ғоя жамиятимиз тараққиётининг объектив талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий тараққиётига мақсад ва йўналиш беради. Демак, инсонларда ишончсизлик, тушкунлик кайфияти вужудга келмаслиги, ўзига нисбатан ишонч ҳиссини ортиши учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда демократик жамият қуришда амалга оширилаётган ислоҳотларда миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларнинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

Бинобарин, ушбу қарорда баён этилган миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларнинг мамлакат тараққиётини беқиёс эканлиги шунда кўринадики, Республика маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига кенгашнинг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ўрнига Республика маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият-тарғибот маркази ташкил этилиб, улар фаолиятига, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланди:

— миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

— бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва инфор­мацион хуружлар, уларнинг ор­тида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фoш қилиш, одамларни ҳушёрликка ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот ти­зимини йўлга қўйиш;

— соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маъ­навий-маърифий дастурларни амалга ошириш<sup>1</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маънавий-маъри­фий соҳадаги ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиши, маънавият ва маърифатнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳадаги барча муаммоларни ҳал этишдаги роли ва ўрнининг ор­тиб бориши, миллий маънавиятнинг миллий ғоя ва мафкура билан уйғунлиги каби масала­лар истиқлол даври маънавий-маърифий ҳаётида сифат жиҳатидан ян­гиланиш ва барқарорлашувнинг шаклла­наётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жами­ят тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир»<sup>2</sup>, деб таъкидлаши бу борадаги ислохотларнинг тўғрилиги ва давомийлигидан далолат беради.

Халқимизнинг маърифий-маънавий тараққиётида ўтмиш маданий мероси ва миллий-маънавий қадриятлар муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, миллий ғоянинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. «Маърифат», 68-сон, 2006.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 134-б.

ривожланиш даражаси ва кўлами бой тарихий меросимизнинг кишиларимиз томонидан нечоғли ўрганиб, ўзлаштирилишига боғлиқ. Зеро, «Модомики, биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги XXI асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз шундан келиб чиқмоғи даркор, яъни эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур»<sup>1</sup>.

Бу борадаги ишларда мамлакатимиздаги ғоявий таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот соҳасида хизмат қилаётган кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг омили сифатида миллий ғоя мустақиллик одимлари билан боғлиқлиги, жамиятда амалга оширилаётган туб ижтимоий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, демократик жамият барпо этиш жараёни миллий ғоянинг шаклланиши билан узвий боғлиқлиги ҳамда диалектик алоқадорлиги намоён бўлади. Ҳар қандай даврнинг ўз ғояси бўлгани каби, миллий ғоя шу даврнинг асосий вазифаси ва мақсадини акс эттиради. Агар демократик жамиятни барпо этишда миллий ғоя иккинчи даражали мақсад ва вазифалар тарзида тарғиб этилса, бу асосий жараёнларга нафақат ҳалақит беради, балки ислохотларнинг тўғри амалга ошмаслигига олиб келади.

Иккинчидан, миллий ғоянинг шаклланиши ниҳоятда серқирра, чуқур, кенг ва мураккаб тарихий жараён эканлиги олим ва мутахассислар томонидан эътироф этилган. Шу маънода, миллий ғоя ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий тузум тамойилларини ўзгартирибгина қолмасдан, балки маънавий ҳаётнинг ўзига хос тизимини шакллантиради.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 303-б.

Учинчидан, миллий гоя демократик жамият барпо этишда доимо долзарблигича қолаверади. Чунки, у мустақилликни мустақкамлашда шу миллат вакилларининг манфаат ва мақсадларини ўзида ифода этади. Демократик жамият барпо этишнинг асосий омили сифатида доимо ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Шу маънода миллат мавжудлиги, унинг бирдамлиги ва истиқболлини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, демократик жамият фақатгина иқтисодий, ижтимоий асосга эга бўлибгина қолмай, балки кучли мафкуравий негизга ҳам эга бўлмоғи лозим. Ушбу ҳолатда мафкуравий соҳадаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бирга маънавий жараёнлар билан боғлиқ эканлигини ва одамларнинг дунёқарашидаги янгиланишларда намоён бўлишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади.

## **ИНСОН ҲАЁТИДА ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАР БИРЛИГИ**

Инсон ўз ҳаёти давомида иқтисодий омил воситасида моддий фаровонлигига эришади, маънавий омил воситасида инсоний табиатини юксалтириб боради. Президент Ислом Каримов мазкур масалага алоҳида диққатни тортиб, «Одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай йўл тутиши, уларнинг қай бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар бўлгани ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас»,<sup>1</sup> — дейди. Албатта, масалага бундай ёндошиш ҳақиқий йўлни топиш имконини беради. Юртбошимиз мазкур масаланинг ечимини топишга киришар экан, уларни қуйидаги тарзда ҳал қилади:

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 65-б.

1. «...Моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди».<sup>1</sup> Бизнингча, бу ёндашув энг мақбул қарашлардан биридир.

2. «...Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир».<sup>2</sup> Ҳақиқатан ҳам инсон борлиғи иқтисодий ва маънавий омилнинг уйғун эканлигидан далолат беради ҳамда бу муҳим далилдир. Чунки инсон вужуди моддий элементлар билан, руҳи (маънавияти) эса маънавий-шуурий элементлар билан тирикдир. Шу маънода бу икки омилнинг бирортаси устун қўйилса ёки заифлашса инсон борлиғининг тириклигига путур етади.

3. «...Инсонга хос орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади».

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўшқанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади<sup>3</sup>.

Шу ўринда бир нарсани унутмаслик лозим. Бугун ана шундай асосий омиллардан бири бўлган маънавиятга бўлаётган таҳдидлар мамлакатнинг ижтимоий тараққиётини таназулга етаклаши мумкин. Шунинг учун уларни билиш, олдини олиш ва уларга қарши курашиш лозим.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 66-67-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 67-б.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 67-б.

Бинобарин, юртимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида одамларни маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий фаоллаштириш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бунда, айниқса, фуқароларимизнинг онги ва қалбини *маънавий таҳдидлардан* ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳим эканини кўрсатади.

Маънавий таҳдид инсоннинг онги, дунёқараши ва ахлоқига дахл қилиши билан жиддий хавф ҳисобланади. Бу хавф кўзга кўринмаса-да, лекин унинг келтирадиган зарари юқумли касалликлардан кам эмас. Шу маънода «тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда».<sup>1</sup> Ҳақиқатан ҳам бундай уринишлар турли усуллар ва воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Улар орасида маънавий таҳдидларнинг кўлами пасаймаётганлиги ташвишлидир.

Умуман, «Маънавий таҳдид» иборасини таҳлил қиладиган бўлсак, у икки сўз бирикувидан иборат: «*Маънавий*» деганда инсоннинг ички дунёси, онги ва қалби назарда тутилади.<sup>2</sup> «*Таҳдид*» деганда эса ҳадик, яъни тажовуз қилиш, йўлдан чиқаришга асосланган хавф-хатарлар мажмуи тушунилади.<sup>3</sup> Таҳдид хавф-хатардан фарқли равишда дарҳол кўзга ташланмаслиги, узоқни кўзлаши ва хавф-хатарга нисбатан зарари кўплиги билан фарқ қилади.

*Маънавий таҳдид* иборасига Юртбошимиз қуйидагича таъриф берадилар: «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 11-б.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 3-жилд. — Т.: «Фан», 2008. 91-б.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 4-жилд. — Т.: «Фан», 2008, 201-б.

қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим...».<sup>1</sup> Бизнингча бу тўлақонли таъриф бўлиб, у бир неча жиҳатлари билан диққатни тортади. Шу маънода қуйидагиларга эътибор бериш лозим: 1) маънавий таҳдидларнинг *хусусиятлари*: а) тил танламайди; б) дин танламайди; в) эътиқод танламайди. Ўзгача айтганда, маънавий таҳдидлар одамнинг қайси тилда сўзлаши, қайси диндалиги ва эътиқодининг қандайлигидан қатъи назар инсонга дахл қилади. 2) Маънавий таҳдидларнинг *зарари*: а) инсон эркинлигига дахл қилади; б) инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаради; в) мақсадли амалга оширилади. 3) Маънавий таҳдидларнинг *турлари*: а) мафкуравий; б) ғоявий; в) информацион.

Диққат қилинса, маънавий таҳдидлар фақат инсон томонидан яратилади ва фақат инсонга тажовуз қилиши билан зарарлидир. Шу ўринда Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган маънавий таҳдидларнинг уч турини идрок қилиб олиш лозим бўлади.

**1. Мафкуравий таҳдидлар.** Бу турга кирувчи таҳдидлар кенг қамровлиги ва узоқни кўзловчи хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Мафкуравий таҳдидларнинг бугунги кунда қуйидаги кўринишлари кўзга ташланмоқда: миллий қадриятларни камситиш, миллий ахлоқ қоидаларини инкор қилиш, мўътадил қарашларни писанд қилмаслик ва буларнинг ўрнига муайян давлатлар иродасига итоат қилиш, космополит қоидаларни мақташ ва ўзга жамиятлар манфаатларига мос дунёқарашни мутлақ ҳақиқат сифатида тарғиб қилиш. Диққат қилинса, ижтимоий онгда нотўғри мақсад-муддаоларни, туйғуларни ва фикр-мулоҳазаларни ҳосил қилиш мафкуравий таҳдидларнинг негизини ташкил қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 13—14-б.



Мафкуравий таҳдидлар «бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан, айниқса, хатарлидир»<sup>1</sup>. Мисол учун, ана шундай бегона *мафкуралардан бири* — миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашни тарғиб қилишдир. Унга кўра, инсонда миллий тараққиёт моделига шубҳа билан қараш ҳосил қилинади ва унинг «ёни»да ўзга давлатларнинг тараққиёт моделига ҳавас қилиш уйғотилади. Биз учун бегона *дунёқарашлардан бири* — мутаассибликдир. Унга кўра, шахс ўз тушунчаларини мутлақ ҳақиқат деб қабул қилади ва ўзга қарашларни эса асоссиз инкор қилади.

Зеро, биз учун ёт бўлган мафкураларда Ғарб ҳаётини идеаллаштириш ва биз учун ёт бўлган дунёқарашларда эса Шарқ консерваторлигини тиқиштириш кўзга ташланади. Ўзгача айтганда, ёт мафкураларда маънавийтни заифлаштириб гегемонлик қилиш ва ёт дунёқарашларда эса догматик фикрлар воситасида шахс онгини динийлаштириш устувор даражада намоён бўлмоқда. Шу маънода мафкуравий таҳдидлар кўлами кенгайиб бориши мумкин<sup>2</sup>.

**2. Ғоявий таҳдидлар.** Бу турга кирувчи таҳдидлар инсон маънавий оламида ёт ғоялар, қарашлар ва мақсад-муддаоларни шакллантиришга интилади. Бугунги кунда ғоявий таҳдидларнинг қуйидаги кўринишлари намоён бўлмоқда: ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм, индивидуализм, «оммавий маданият», миллий давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиш, миллий низолар келтириб чиқаришга уриниш, иқтисодий танглик жорий қилиш, кўшни давлатларни бир-бирига қайраш, ёшлар онгини заҳарлаш. Бун-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 14-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқаров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. — Т.: «Akademiya», 2007.

Адресон Р., Шихирев П. «Дельфины». — М.: Дело ЛТД. 1994.

дан кўзланган мақсад ривожланаётган давлатнинг моддий ва маънавий бойликларига эгалик қилишдир. Чунки, гоёвий таҳдидлар охир-оқибатда давлатни инқирозга олиб келади, нега деганда, бунинг натижасида фуқароларда худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, ҳасад, сотқинлик, иродасизлик, бепарволик каби ижтимоий-ахлоқий иллатлар таркиб топади<sup>1</sup>.

**3. Информацион таҳдидлар.** Бу турга кирувчи таҳдидлар инсоннинг ижтимоий онгини нотўғри шакллантириш ва бу билан ўзлигига эга бўлмаган оломонни таркиб топтиришни кўзлайди. Бугунги кунда информацион таҳдидлар Интернет воситасида четдан туриб уюштирилмоқда ва унинг асосий кўринишлари қуйидагилардир: давлатнинг миллий сиёсатини атайин танқид қилиш, сохта хабарлар тарқатиш, кичик муаммони катта (йирик) муаммо сифатида тасвирлаш, мухолифларни гиж-гижлаш, раҳбарларни золим қилиб кўрсатиш, миллий қадриятларни нотўғри талқин қилиш, ёшларни чалғитиш. Информацион таҳдидлар — баъзида *ахборот хуружи* деб аталади — шахсни иккилантиради, уни муаммолар гирдобига ташлайди. Натижада фуқароларнинг ижтимоий онги заҳарланиб, жамиятда ижтимоий хасталик таркиб топади.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, маънавий таҳдидларнинг мазмунмоҳияти, кўринишлари ва хусусиятларини англаб олиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шундагина жамиятда уларга қарши курашиш руҳини таркиб топтириш, олдини олиш ва бартараф қилиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Кучуради И.* Философия перед лицом мировых проблем. // Вопросы философии. 2004. № 3. — С. 5-11. *Ганиев А.* Фарб оламидаги ахлоқий муаммолар. — Т.: «Ворис», 2007.

<sup>2</sup> Қаранг: *Гринин Л.Е., Коротаев А.В.* Социальная макроэволюция и исторический процесс. // Философия и общество. 2007. № 2. — С. 19-66. *Жўраев Т.* Миллий давлатчилик ва хавфсизлик. — Т.: «Akademiya», 2007.

Маънавий таҳдидларни бартараф қилиб боришга доир бир қатор қарашлар тизими мавжуд. Уларни бартараф қилиш муаммоси Президентимиз Ислом Каримовнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. У кишининг концепциясига кўра, маънавий таҳдидларни фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя ва жаҳолатга қарши маърифат билан бартараф қилиш мумкин. Бу муҳим қараш бўлиб, ҳозирги маънавий-мафкуравий фаолиятимизда методология вазифасини ўтамоқда. Шу ўринда унинг мағзини чақиб олиш лозим бўлади.

*1. Фикрга қарши фикр.* Ҳар бир кишида ҳаққоний ва асосли мустақил фикр ҳамда дунёқарашни шакллантириш керак. Бунинг учун унинг билим ва маълумотдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Инсон Интернет хабарларини ўқиш билан билимли, замонавий ва маданиятли бўлиб қолмайди. Аксинча, илмий-назарий билимларни эгаллаш инсонни шарафлайди. «Авесто»да: «Билим — кўзнинг чироғи», — деб уқтирилган. Бунинг маъноси шуки, фақат билим воситасида инсон мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлиши мумкин. Шу маънода мустақил фикрга ва дунёқарашга эга одам бир ёқлама, ғаразли ва зарарли фикрларни фарқлай олади. Бу «фикрга қарши фикр» тамойилининг мазмунидир.

*2. Ғояга қарши ғоя.* Инсон онгида унинг ўзи ва ўзгаларга манфаат келтирадиган тушунчалар таркиб топиши керак. Бирор шахс инсонда эзгуликка нисбатан ёвузликнинг устувор бўлишини исботлаб беролган эмас. Аксинча, инсоннинг беғубор болалик даврини бошдан кечириши унинг онгида эзгулик туйғусини шакллантиради. Шу маънода инсон онги ёвуз ва жоҳил ғоялардан ҳимоя қилиниши керак. Жамиятимизда бу иш миллий ғоя асосида амалга оширилмоқда. Демак, миллий ғоя асосида инсон онгида эзгулик, адолат, ҳақиқат ва масъулият ғояларини шакллантириш билан уни ёвузлик, жаҳолат, нодонлик ва бефарқлик каби иллатлардан ҳимоя қилиш мумкин. Миллий ғояга эга инсон ёвуз ғояларни фарқлай олади, бу «ғояга қарши ғоя» тамойилининг мазмунидир.

3. *Жаҳолатга қарши маърифат*. Инсон бу дунёнинг сир-асрорларини ўзига етарли даражада англаши, ўзининг ким эканлигини билиши ва ҳаёт мазмунини тушуниши керак. Бугунги кунда бунинг ягона йўли профессионал шахс сифатида вояга етиш бўлиб қолди. Профессионал шахс бўлиш учун ўз нафсини тия билиш, касб маҳоратини эгаллаш ва ҳақиқий инсон бўлиб яшаш кўникмасини ҳосил қилиш керак. Буларнинг барчаси бир сўз — **билмоқ** (маърифат) замирида жо бўлган. Шу маънода билган киши жаҳолат, нодонлик ва ёвузликка қўл урولмайди. Бу «жаҳолатга қарши маърифат» тамойилининг мазмунидир.

Президент Ислом Каримов маънавий таҳдидларни асосли Фикр, Фоя ва Маърифат билан бартараф этиш масаласини илгари суради. Бу муҳим ва аҳамиятли концепциядир. Чунки Фикр, Фоя ва Маърифат ҳар қандай шахсни, жамиятни ҳимоя қила олади. Шу сабабли Президентимиз *маънавий қадриятлар* масаласига алоҳида диққатни қаратади. Унга кўра, маънавий қадриятларга таяниб миллий ўзликни сақлаб қолиш мумкин. Негаки, «бирон-бир жамият маънавий имкониётларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қоидаларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»<sup>1</sup>.

Гап иқтисодий ва маънавий омилнинг уйғунлиги ҳақида борар экан, ҳар икки омилнинг асосида ижтимоий муносабатлар турганини англаб етмоқ лозим. Зеро, инсон иқтисодини мустаҳкамлаш жараёнида ўзи билан бирга яшайдиган яқинларининг фаровонлигини назарда тутати. Яъни, фарзандлари, ота-онаси, ака-укаси ва ҳоказо.

Бу жараён, биринчидан, инсоннинг ижтимоий, маънавиятли мавжудот сифатида бир-бирига меҳр-муҳаббати бўлса, иккинчидан, ана шу одамлар билан

<sup>1</sup> *Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 137-б.

бирга яшайдиган Ватанига меҳр-муҳаббатнинг бир кўриниши сифатида ҳам намоён бўлади.

Демак, маънавий омилнинг иқтисодий омил билан уйғунлигини шунда кўриш мумкинки, инсон ҳаётида, ўзи билан яшайдиган одамлар орасида озод ва обод яшашни ҳам истайди. Бу истак инсонда Ватанпарварлик ҳиссини пайдо қилади.

Шу ўринда, Ўзбекистонимизнинг бугунги юксалиш жараёнида маънавий омилнинг устувор йўналишлари бўлган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида кўрсатиб ўтилган Ватанпарварлик, дахлдорлик, виждон уйғоқлиги, фидойилик, эл-юртга содиқлик, давлат сиёсатига хайрихоҳлик каби фазилатларга Юртбошимиз томонидан берилган асосли таърифлар, шунингдек, олимлар, зиёлилар ва мутахассислар томонидан қайд этилган фикрларга таянган ҳолда келтирилган таърифларга эътибор қаратмоқлик лозим.

**Ватанпарварлик.** Ватаннинг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган фазилат. Айнан маънавиятнинг шаклланиши инсонда ана шундай хислатларни уйғота олади.

Ватанпарварлик ниҳоятда серқирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, тақдири, истиқболи, она-юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур анланса, ватанпарварлик туйғуси шунча юксак бўлади. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичларида ватанпарварликнинг янги-янги қирралари намоён бўлиб боради. Ҳақиқий ватанпарвар, Ватанга, она-заминга, ўз халқига муҳаббат билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида тинимсиз меҳнат қилиш ҳамда курашиш зарурати ту-

гилганда жонини фидо қилади. Ҳар жабҳада Ватанимиз эришаётган муваффақиятлардан қувониш, оғир кунларида унинг учун қайғуриш, ўз юрти билан гурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир гишти ва гиёҳи, қадимий ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш — буларнинг барчаси ватанпарварликдир.

Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўз юртини қандай бўлса шундайлигича севиши, унинг ривожини учун бор имкониятларини ишга солиши лозим. Ватанпарварлик кишиларда асосан қуйидаги босқичларда намоён бўлади:

1. Билиш — Ватанга хос қадриятларни эгаллаш.

2. Эътиқод — мазкур қадриятлар тўғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш.

3. Ҳаракат — бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, наслнасабинини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. «Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган.

Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, айни вақтда муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзини, энг аввало, Ўзбе-

кистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтайлик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди, деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримиз мансуб бўлган «мўъжаз Ватан»нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипс-лашувиға халақит беради.

Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур»<sup>1</sup>.

Ватанпарварлик фазилати умуммиллий хусусиятга айлангандагина халқимиз руҳиятида сифат ўзгариши юз беради, у кўп миллионли, пароканда оломон эмас, метин эътиқодли, уюшган куч — халқ сифатида шаклланади, Ватанининг, миллий ғоясининг, ўз ҳақ-ҳуқуқининг, адолатнинг жасоратли ҳимоячисига айланади.

**Виждон уйғоқлиги.** Шахсинг маънавий, ахлоқий ва эстетик камолотида барча масалалар қаторида виждон уйғоқлиги масаласи ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Инсонга хос юксак маънавий фазилат, кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳиссини англа-тувчи туйғу виждонли инсон ҳар бир қилган иши, одамлар билан бўлган мулоқоти, фаолияти ва фикрларини сарҳисоб қилади. Ноҳақликка, адолатсизликка мурас-сизлик билан қаршилиқ кўрсатади. Виждоннинг шаклланишида ижтимоий муҳит, оила ва жамиятдаги таълим-тарбия, атрофдаги кишиларнинг маданияти, ахлоқ-одоби, дунёқараши муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008. 90—91-б.

Бу юксак маънавий-ахлоқий фазилат шахсни эзгу мақсад ва амалларга ундаб, ўз фаолиятига холисона, тўғри баҳо беришига хизмат қилади. Тажрибада аслида виждонсиз кимсанинг вояга етиб, ўқимишли одам бўлиб етишганидан кейин виждонли бўлиб қолганини учратиш қийин. Виждон инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи, ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди, у юксак маънавийлик, комиллик ва тарбия маҳсулидир. Виждон маънавиятдаги таъсир доираси ғоят кенг тушунчалардан бири. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи муҳит, жамиятга боғлиқлигини ифодаласа, Виждон унинг ботиний оламини, қалб туғени, ички руҳий изтиробини намоён этади.

Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтилофлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскиргани яққол намоён бўлади. Зеро, виждон кўзга кўринмас, лекин таъсири ва аҳамияти жиҳатидан улкан маънавий-ахлоқий ҳодисадир. Баъзи ҳолларда виждон тушунчаси ўрнида имон ибораси қўлланади. Имон аслида диний тушунча бўлса-да, ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида қўлланади. Масалан, «имонли одам» деганда, унинг нафақат диний эътиқоди, балки, аввало, виждонли, ҳалол, ростгўй инсон экани назарда тутилади.

Шу маънода, виждон ва имонни бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган эгизак тушунчалар дейиш мумкин. Диний эътиқодга муносабат «виждон эркинлиги» деб юритилиши ҳам бу икки тушунчанинг ўзаро муштараклигидан далолат беради. Баъзи адабиётларда виждон тушунчасининг «субъектив» ҳодиса сифатида талқин этилиши ҳамда адолат, бурч, номус сингарй тушунчаларнинг унга нисбатан устунлигини асослашга уринишларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, виждонсиз одамнинг адолатпарвар, садоқатли, ор-номусли инсон бўлиши амримаҳол. Виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни теран ҳис этиш-



ни тақозо этади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса бу йўлда, ҳатто жонини ҳам фидо қилади»<sup>1</sup>.

**Фидойилик.** Ўзгалар манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр туради, жамият учун умумий бўлган олий мақсад ва идеалларни деб, ўзидан кеча оладиган кишилар хатти-ҳаракатларини ифодаловчи маънавий тушунча — фидойилик тамойилининг мазмуни турли тарихий давр ва ижтимоий жараёнларда ўзига хос тарзда намоён бўлади: у маълум бир даврларда оммавийлашиши ёки пасайиши мумкин.

Чунончи, мустақилликка эришганимиздан сўнг дастлабки пайтларда ўтиш даврига хос бўлган фидойиликка нисбатан худбинлик тамойилининг кучайгани кўзга ташланган бўлса, ҳозирги вақтда эса, аксинча, жамиятимизда фидойилик тамойили устувор аҳамият касб этмоқда, «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган шиор асосида яшаётган кишилар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ана шу маънавий жараён қанчалик тезлашса, янги қурилаётган давлатнинг шаклшамойили шунчалик муайянлик касб этади. Шу билан бирга, фидойилик маънавий қадриятлардан бўлиб, Ватан манфаатлари йўлида жонбозлик намуналарини кўрсатишга ҳозир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 27–28-б.

муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишилар қалбидан чуқур ўрин олади ҳамда фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этади.

Фидойилик ўз тақдирини Ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос хислатдир. Фидойилик сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлгандагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин. Мураккаб шароитларда мустақиллигимизнинг иктисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий асослари мустаҳкамланаётган ҳозирги кунда ватанпарварлик, фидойилик эътиқоди амалий ишларда фуқароларнинг кундалик фаолиятида намоён бўлиши катта аҳамиятга эга.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбек номи, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотлар фидойилик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Ҳамма гап ана шундай инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда. Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олийжаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қоидасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 121—122-б.

**Дахлдорлик** — инсон ўзини жамиятнинг бир парчаси деб билишидир. Дахлдорлик бу — жамиятнинг ютуғидан қувониб, камчилигини бартараф этиш йўлидаги хатти-ҳаракатдир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини мамлакатнинг бугуни ва эртанги истиқболи учун дахлдор деб билса ва ҳар бир хатти-ҳаракатида ўша туйғуни ҳис қилиб фаолият юритса, ўша мамлакатнинг бугуни ва эртанги куни порлоқ бўлади. Агарда инсонда дахлдорлик туйғуси шакланмаган бўлса, ундай инсонни оиласининг ҳам, мамлакатнинг ҳам тақдири қизиқтирмайди. Дахлдорлик инсонда аста-секин шаклланадиган фазилат бўлиб, бу фазилатнинг илк кўринишлари ҳар бир оилада ва оила таъсирида ҳар бир инсонда пайдо бўлади.

Шу маънода, бизга юклатилган вазифа барчамиздан ўсиб келаётган авлод тарбиясига янада масъулият ҳисси билан ёндошишни, фақат уларнинг кўнглида бебаҳо бойлигимиз — асрлар давомида шаклланган, миллатимизнинг миллат сифатида яшаб келишига пойдевор бўлган маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром туйғусини қарор топтиришга, дахлдорлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва истиқбол режаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Биз фарзандларимизни табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим».

Мустақиллик йилларида чиндан ҳам онги, шуури, тақдири турли хил мафкуравий тазйиқлардан холи, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда замон ва маконда ўзлигини топишга, иқтидори, истеъдоди ва салоҳиятини тўла-тўқис намоён қилиб, ўзбек йигит-қизларининг жаҳонда ҳеч кимдан кам

эмас, балки кўпгина фазилатларда устун эканлигини исботлашга қодир авлод дунёга келди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг ҳар томонлама мустақил, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан эркин яшашлари, билим олишлари, касб-хунар ва мутахассисликларни эгаллашлари учун кўплаб шарт-шароитлар яратилди ва яратилмоқда. Аммо, ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, инсоний эркинлик ҳали тўлиқ маънодаги бахт эмас, балки бахт-саодатга эришишнинг бир воситаси, холос.

Буни қалбан ҳис этган минг-минглаб ёшлар мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассасаларида билим асосларини, замонавий фан ютуқларини, ахборот технологияларини қунт билан ўрганиб, тарихи теран, келажаги буюк Ўзбекистонга муносиб фарзанд, келгусида элнинг юкига елкасини тутадиган комил инсон бўлиб етишишга интиляпти. Бир қисм ёшлар эса тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиб, ўзининг, оиласининг фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда юртнинг равнақиға ҳисса қўшаяпти. Спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланаётган йигит ва қизлар халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг шон-шарафини ҳимоя қилибгина қолмасдан, ўзларининг юксак ғалабалари билан юртимиз, халқимизнинг обрўсига обрў қўшмоқда.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида, ҳуқуқ-тартибот идораларида, мудрофаа ва ички ишлар, солиқ ва божхона тизимларида ишлаётган ёшлар ҳозирда ноқ юртдошларининг ҳаваси ва таҳсинига эришаётгани эътиборга сазовордир.

Буларнинг барчаси кишиларда дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганининг бир кўринишидир. Фақат, яшаш эмас, яратиш, бунёдкорлик ҳисси билан яшаётган бу навқирон кучлар учун ўз келажагига пиллапоя бўладиган бугуннинг ҳар лаҳзаси қадрлидир. Чунки, уларга улуг мақсадлар, тоза ниятлар, покиза туйғулар куч-ғайрат бағишлайди, изланишга, интилишга даъват этади.

**Эл-юртга содиқлик.** Инсонга хос энг эзгу маънавий-ахлоқий хислатни ифодаловчи тушунча — садоқат «самимийлик», «вафодорлик», «содиқлик», «дўстлик» сўзларига маънодош ҳисобланади. Масалан, улуғ бобокалонимиз Ибн Сино инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бутун умрини тиббиётга бағишлади. Унинг ўз ишига бўлган садоқатини бутун дунёдаги ҳар бир инсон юксак қадрлайди.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонлик, танлаган касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди.

Миллий ғоя — узоқ вақт мобайнида сайқалланиб пайдо бўладиган қадриятдир. Садоқат туйғусини миллий ғоя кучайтиради. «Авесто»даги «эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал», деган ғоя халқимизнинг азалий мурод-мақсади қандай асосларга таянганини кўрсатиб турибди. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида ҳам, одамлар ҳатто дилидан тилига чиқмаган ғоялари учун қатағон қилинаётган даврларда ҳам миллатимиз дилида, эътиқодида ана шундай тушунчалар бор эди. Уларни дилига жо қилиш ва имони буюрганидан четга чиқмаслик уларнинг эътиқодига айланган ҳамда ўзгармас ғояси бўлган эди. Амир Темур умр бўйи «Куч — адолатдадир», деган шиорга амал қилди, давлат ишида ҳам унга таянди. Тарихда умрининг сўнги дамигача ўз ҳаётини шиорига садоқат билан яшаган Соҳибқирондан бошқа бирор зотни кўрсатиш қийин. Нақшбанд бобомиз эса, «дилинг Оллоҳда бўлсин, қўлинг эса доимо меҳнатда», деган ақидага амал қилди.

Ғояга етишиш ва унинг ижобати сабр-қаноатда эканлигини аждоқларимиз яхши билишган, чунки сабр-қаноат миллий менталитетимизнинг негизи, асоси. Миллатнинг ҳақиқий маърифатпарварлари мустақилликни сабр-қаноат билан кутдилар, унинг юз беришидан умид қилдилар. 1991 йил 31 август неча-неча аждоқларимиз кут-

ган ва етолмаган, бугунги авлодларга насиб этган ўша кун эди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Мустақиллик салкам 150 йиллик армонларимизнинг ушалиши, ажлодларимиз дуоларининг, орзуларининг рўёби сифатида баҳоланди. Халқ уни шу кунёқ тўла тушуниб етди ва мустақиллик ғояларини қўллаб-қувватлади, десак, ҳақиқатга хилоф бўлади, чунки халқимиз мустақилликдек улуғ неъматга ҳам ҳадиксираб қараш даражасига етган, қадди букилган ва уфққа тик қарашдан маҳрум этилган эди. Бинобарин, Юртбошимиз уни эълон қилган вақтда залда ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги «бу ростмикин», дея ҳадиксираб турардилар. Президентнинг эслатмасидан кейингина хушларига келган депутатлар қарсақ чала бошладилар.

Юртбошимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам эл-юртга, миллий ғояларимизга садоқати, унинг келажагига бўлган ишонч ҳақиқий садоқат, фидойилиги ва ватанпарварлигининг олий даражадаги кўриниши, десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаб ўтганларидек, «Миллий ғоямининг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз.

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, гурур ва ифтихори юксак бўлади.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча — Ватан равнақи ва фаровонлик масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас»<sup>1</sup>.

Айнан ана шу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англаган инсонларгина эл-юртга содиқ, ватанпарвар ва фидойи инсонлар бўла оладилар.

**Миллий гурурга эгалик.** Шахс, ижтимоий гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини ўзи англаш шаклларида бири бўлиб, аждодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, қадрқиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди. У шахс ва ижтимоий гуруҳ хулқ-атворини муайян тарзда йўналтиради, тартибга солади. Миллий гурур қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бепарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён этиш.

Миллий гурур маънавият таркибида муҳим ўрин тутади. Миллий гурур миллатнинг ўтмишда фан, адабиёт, санъат ривожига қўшган ҳиссаси, буюк алломалари, атоқли саркардалари фаолияти билан боғлиқ бўлади. Миллий гурури бўлмаган кимса бошқа миллатларга бош эгувчи космополитга, манқуртга айланади. Миллий гурурнинг мазмуни қандай шахслар, қандай воқеа-ҳодисалар билан фахрланаётгани шу миллатнинг мазкур даврдаги маънавий қиёфасини кўрсатади. Халқлар тарихида шундай даврлар бўлиши мумкинки, унда миллатчилик, шовинистик, ҳатто фашизм ғоялари устуворлик қила бошлайди. Бундай даврларда Миллий гурур мазмуни салбий ҳодисалар:

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 73—74-б.

мақтанчоқлик, бошқа миллатларни пастга уриш, ўз миллатининг бошқа миллатларга нисбатан устунлигини тарғиб этиш каби иллатларда намоён бўлади. Бундай ҳоллар миллат ўзига-ўзи танқидий кўз билан қарай олмай қолган вазиятларда юз беради. Миллий гурур адабиёт ва санъатда ҳам ўз ифодасини топади. Алишер Навоийнинг қуйидаги ҳикмати Миллий гурурнинг гўзал ифодасидир:

«Менга қилса минг жафо, бир марта фарёд айлабон,  
Элга қилса бир жафо, минг марта фарёд айларам».

Соғлом миллий гурур ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо этади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий Миллий гурурни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакилларининг иззат-нафси ва гурурини камситмайди. Мустабид тузум даврида Миллий гурурни ифодалаш миллатчилик билан тенглаштирилар, муайян миллатга мансублик билан эмас, балки иттифоқ фуқаролиги билан фахрланиш талаб этилар, кўпгина миллатларнинг Миллий гурури топталар ва камситилар эди. Мустақиллик кишилар Миллий гурурини ошириб, уни халқ, Ватан, аجدодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда миллий мустақиллигимиздан фахрланиш, мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, замонавий технологиялардан фойдаланиш Миллий гурурни оширадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларда соғлом Миллий гурур туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

Истиқлол халқимизга бебаҳо ва серқуёш, саховатли заминимизнинг беҳисоб табиий бойликларига қайтадан эгалик қилишдек улуғ саодатни ато этди.



Айни пайтда бу улуғ саодатга муносиб бўлишдек масъулиятли ва муқаддас вазифани ҳам зиммамизга юклади.

Миллий гурури баланд, тафаккур олами кенг, имон-этиқоди бутун, чинакам ватанпарвар, фидойи, иқтидорли ва меҳнатсевар халқгина мамлакатнинг асл бойлиги эканини, ана шундай фуқаролардан иборат жамият йўқни йўндиришга, бирни минг қилишга, илм-фанда ҳам, иқтисодиётда ҳам мўъжизалар яратишга қодирлигини амалда намоён этади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Бу — биз эришадиган ютуқлар, муваффақиятлар ва ўз олдимизга қўйган эзгу ва улуғ мақсадлар амалга ошишининг ифодасидир. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, «Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олийжаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришадиган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

**Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс**

аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда республикамызда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди. Шу боис, демократик жамият барпо этиш ва бу жараёнда маънавий, иқтисодий омилларнинг аҳамиятини, уларнинг ўзаро алоқадорликдаги ижтимоий моҳиятини таҳлил этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, «Ҳеч кимга сир эмас — биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда бу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ»<sup>2</sup>. Шундай экан, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида миллий мафкурамызда акс этган ғояларнинг ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга таъсирини, уларнинг маънавий қадриятларимизнинг ўзига хос кўриниши эканлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш катта амалий аҳамиятга эга.

Жамият ҳаётида кечаётган демократик ислохотлар жадал суръатлар билан ривожланишида, муҳим бунёдкорлик ишларини амалга оширишда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақ-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 3–4-б.

<sup>2</sup> Ислоҳ Каримов. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. — Т.: «Ўзбекистон», 2006. 3-б.

садлар сари интилиш кузатилаётган экан, демократиянинг тақдири ҳам, кучли фуқаролик жамиятининг қарор топиши ҳам фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу жараёнда фуқароларнинг иштироки, уларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал қилишда иқтисодий омил билан бир қаторда, маънавий омилнинг роли алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бу Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантириш жараёнида эришилган ижобий натижалар маънавий юксалишнинг ҳаётий, илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Чунончи, демократик жамиятнинг шаклланиши мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг барқарорлиги ва улар ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу жараённинг изчил, тизимли ва объектив амалга оширилишида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳаракатларнинг пировард мақсадларини ифодалайдиган мафкуравий жараёнлар ҳам муайян ўрин эгаллайди.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнларда маънавий юксалиш салоҳияти ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам маънавиятнинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни ва аҳамиятини, унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш юртимизда шаклланаётган демократик жамиятнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва тамойилларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ йўллари белгилаш имконини беради.

Бинобарин, Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида маънавият тушунчасини таҳлил қила туриб, унинг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкинлиги, кенг қамровли маъно-мазмунга эга бу тушунчага ҳар қайси таърифатли инсон ўзининг фалсафий қарашларидан келиб чиқиб турлича таъриф ва тавсифлар бериши мумкинлиги, шунингдек, олим-

лар томонидан тайёрланган ўқув қўлланмалар, рисо-  
лалар, луғатларда «маънавият» тушунчасига ўзига хос  
таърифлар берилаётганини таъкидлаб, ўзининг қу-  
йдаги фикрларини айтади, «Мен бу борадаги фикр-  
ларни инкор этмаган ҳолда, «маънавият» тушунча-  
сининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар  
доирасида чегараланиб қолмайди, деб ўйлайман.  
Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги  
ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча  
ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч  
нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тута-  
ди.

Шу фикрни мантиқий давом эттириб, **маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайди-  
ган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-  
эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган  
беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир,** де-  
сак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар  
томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни  
яққол ифода этган бўламиз.

Менинг назаримда, «маънавият» тушунчаси жамия-  
ят ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, мада-  
ний, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла му-  
жассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юрит-  
ганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлашти-  
риб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали  
ифода этиш мумкин».

Демак, «маънавият» кенг қамровли тушунча сифа-  
тида инсон ҳаётининг мазмуни, унинг жамиятдаги  
ўрнини кўрсатиб берувчи асосий мезондир. Юртбоши-  
миз таърифи билан айтганда, қушнинг икки қаноти  
сингари иқтисодий омил билан бир қаторда жамият  
тараққиётини юксалтирувчи асосий кучдир.

Шу маънода, демократик жамият тараққиётида  
иқтисодий омил билан маънавий омилнинг ўзаро ало-  
қадорликдаги ривожини кўзланган мақсадларга эриши-  
шимизда хизмат қилиши муқаррар.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Тараққиётнинг истиқболли модели.....	7
Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг гоявий асослари.....	31
Демократик жамият шаклланишида сиёсий тизимнинг ўрни.....	44
Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиётида миллий гоянинг аҳамияти.....	54
Инсон ҳаётида иқтисодий ва маънавий омиллар бирлиги.....	77
Хулоса.....	97

*Ижтимоий-сиёсий нашр*

**Шавкат Тўраев**

**Ўзбекистонда демократик жамият ривожда  
иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги**

Муҳаррир *А. Саъдуллаев*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Бадий муҳаррир *Х. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Мусахҳиҳлар *Ш. Орипова, Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси А1 №158, 14.08.09. Босишга рухсат  
этилди 15.04.2011. Офсет қоғози. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Таймс  
гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи  
5,46. Нашр табоғи 5,07. Нухаси 3000. Буюртма №11-98

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [iptdubekistan@mail.ru](mailto:iptdubekistan@mail.ru)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

2500

**Тўраев, Шавкат.**

**Т 97** Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги / Ш. Тўраев. — Т.: O'zbekiston, 2011. 104 б.

ISBN 978-9943-01-679-8

Рисола Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида тайёрланган бўлиб, унда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда эришилган муваффақиятлар, жамиятда иқтисодий ва маънавий омилни яхлитликда қабул қилиш иммунитетни шаклланганлиги, иқтисодий ва маънавий уйғунлик шаклланишида мустаҳкам база яратилганлиги, инсон ва жамият ҳаётида бу омилларнинг уйғунлиги зарурат эканлиги атрофлича ёритиб берилган.

**УДК: 32(575.1)+330.3(575.1)**

**ББК: 66.3(5Ў)**